


**ФАРҲОД ИСОМИДДИНОВ,  
ЖОНМИРЗО МИРЗОЕВ**




# **ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР**



ФАРҲОД ИСОМИДДИНОВ,  
ЖОНМИРЗО МИРЗОЕВ

# ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР



Тошкент

«Истиклол нури»

2013

УЎК:80(092)

83.3(5Ў)

И81

**Исомиддинов, Фарход**

ЗуллISONАЙН адиблар / Ф. Исомиддинов, Ж. Мирзоев; масъул мухаррир Ж. Ҳамроев, - Тошкент: «Истиклол нури», 2013. – 136 б.

**КБК 83.3(5Ў)**

### **Масъул мухаррир:**

*Жумакул Ҳамроев, филология фанлари доктори, профессор.*

### **Такризчилар:**

*Исомиддин Ёрматов, филология фанлари доктори, профессор.*

*Рўзибой Қурбонов, адабиётшунос.*

*Рамазон Абдуллоев, филология фанлари номзоди, доцент.*

*Тазкира жанрида битилган ушбу рисолада ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган зуллISONАЙН адибларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумотлар берилади. Шунингдек, унда зуллISONАЙН адиблар эришган унвонлари асосида таснифланади.*

*Китоб адабиётшунослар, хусусан, ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.*

**ISBN 978-9943-4179-5-3**

© Ф. Исомиддинов,

© Ж. Мирзоев,

© «Истиклол нури»,

2013 й.

## КИРИШ

### ЗуллISONАЙНЛИК

«ЗуллISONАЙН» сўзи арабча бўлиб, икки тилни билувчи, икки тилда ёзувчи маъноларини англатади. Адабиётда икки тилда шеър, асар ёзувчи адибни зуллISONАЙН деб аташган. Ўрта Осиёда IX-X асрларда айрим адиблар асарларини араб ва форс-тожик тилларида ёзганлар. Уша даврларда араб ва форс-тожик тилларида ижод қилувчиларни зуллISONАЙН адиб деб аташган. XV-XVI асрларда эса форсий ва туркий адабиётларда зуллISONАЙНЛИК ҳодисаси анъана даражасига кўтарилди. XVIII-XIX асрларга келиб, икки тилда ёзадиган адиблар кўпайиб борди. Форс-тожик ва ўзбек тилларида ижод қиладиган шоир ва ёзувчиларни ҳам зуллISONАЙН адиб деб аташади.

### Китобнинг тузилиши

Китоб янгича шаклдаги тазкира бўлиб, унда аввал адибларнинг номи, кейин насаби, ундан сўнг навбат билан лақаби, тахаллуси, кунияти (кимда бўлса), нисбати, унвони ва адабиётга муносибати қисқача тарзда кўрсатиб ўтилади.

Таъкидлаш жоизки, турли давру замонларда шоирлар, адиблар, умуман, инсонлар турли даража ва мартабаларга эга ҳолда яшаганлар. Кимдир подшоҳлик мақомига эга бўлган, кимдир вазир, кимдир дарвеш бўлган, шунга қарамай, адабиётга меҳр қўйиб, асарлар яратган ва турли унвонларни эгаллаганлар. Жумладан, Ҳазрат, Шайх, Аллома, Маликушшуаро, Амир, Мирзо, Сайид, Хожа, Қорий, Қози, Мавлоно, Мулло каби унвонларга эга бўлганлар. Адиблар ушбу мақомлар бўйича равзаларга бўлинади, сўнг унвонлари изох берилади.

## Ном (Исм)

1. «Ном» форс-тожикча сўз бўлиб, бирон шахс, ёхуд нарсани аниқлаш учун бериладиган исмдир. Ном (исм) аслида ота-оналар томонидан янги туғилган фарзандларига берилади. Исм қўйишда ота-оналарнинг орзу истаклари, майлу хоҳишлари ўз ифодасини топади. Ота-оналар ўз фарзандларини бахтиёр, гўзал, соғлом, қахрамон, мўмин, диндор, мустақил, рахбар, бой ва бадавлат бўлишларини орзу қилган ҳолда, уларга ном қўядилар. Айтиш жойизки, ном лақаб ҳам, тахаллус ҳам эмас. Ном инсонлардан бўлак яна давлатлар, минтақалар, шаҳарлар, вилоятлар, туманлар, кишлоқлар, қўчалар, дарёлар, тоғлар, шунингдек, ташкилотлару муассисаларга ҳам берилади.

## Насаб

Насаб – арабча сўз бўлиб:

1. Насл, зот, аждод;
2. Сулола, силсила, авлод, наслу насаб, хонадон, оила маъноларини билдиради ва шахснинг насаб жиҳатидан қайси хонадонга тегишли эканлигини англатади.

## Унвон

Унвон арабча сўз бўлиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Сарлавҳа; китобнинг номи, ёхуд китобнинг бир қисмининг номи, мақола, ёхуд бошқа ёзилган парчаларга қаратилган сўз. Мисол учун, ...унвони билан, ушбу унвон остида ва ғайралар.
2. Конверт устида ёзилган ёзув ва бошқалар.
3. Бирон шахсга махсус берилган даража бўлиб, унинг муайян бир соҳада машҳурлигини ёхуд унинг энг муҳим хизматларини ифода этади. Унвон шахснинг даражаси, мартабаси ва унинг жамиятдаги мақомини белгилайди. Унвонлар бир неча хил бўлади: Масалан,

илмий унвонлар: доцент, профессор, академик; ҳарбий унвонлар: лейтенант, капитан, майор, генерал, маршал ва ҳоказо. Ўтмишда бизнинг мумтоз адабиётимизда шоир ва ёзувчилар, умуман, адибларга турли унвонлар берилган. Ҳазрат, Аллома, Мавлоно, Мавлавий, Мулло, Амир, Мирзо, Маликушшуаро, Қози, Ҳожи, Хожа, Саид, Сайид ва бошқа унвонлар уларнинг мартабаларига қараб берилган. Бизнинг давримизда эса адиблар, Халқ шоири, Халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ва бошқа унвонлар билан тақдирланади.

### Тахаллус

3. Тахаллус – арабча сўз бўлиб, куйидаги маъноларни англатади:

1. Холислик, кутилмоқ.

2. Шоир ва ёзувчилар ўзларига танлаган махсус исм. Масалан, Алишер Навоий, Хожа Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Муқимий, Фурқат, Рўдакий, Фирдавсий, Хайём ва бошқалар.

### Нисбат

4. Нисбат – арабча сўз бўлиб, аслу насабни билдиради.

Адиблар кўпинча ўзларига макон, жуғрофий жиҳатдан қаерликларини билдириш учун ўзларига нисбат олганлар. Мисол учун, Яссавий, Бухорий, Ҳиротий, Бадахший, Қўқандий, Самарқандий ва ҳоказо.

### Куния

Куния – арабча сўз бўлиб, номларнинг аввалида абў(ота), умм(она), ибн(ўғли), бинт (қизи) келтирилади

ва исм-насабни ифода этади. Масалан: Абуали (Алининг отаси), ибни Сино (Синонинг ўғли), Умму Гулсум (Гулсумнинг онаси), бинти Раҳим (Раҳимнинг кизи).

Бадавий араблар ўз урф-одатларига биноан биринчи фарзандларини абу ва умм орқали ўзларига нисбат берардилар ва кичкиналарига ибн ва бинт қўшиб чақирар эдилар. Араблар Мовароуннаҳрни забт этгач, бу одат маҳаллий халқлар томонидан қўллана бошланган. Агар аниқроқ килиб айтсак, куния бизларда фахрий лақаб ўрнида ҳам ишлатилган. Асосан бундай ном қўйиш XII асргача расм бўлган. Кейинги даврларда исмларга, «дин» жузьини қўшадиган бўлдилар. Масалан: Камолиддин, Шамсиддин, Низомиддин ва ҳоказо. Ўша даврда яна абду – Абдурахмон, Абдували; Аллох, уллох – Самийаллох, Асадуллох, Ғайбулло сўзлари ҳам қўшимча тарзда ишлатилган ва арабий исм қўйиш ҳам анъана бўлган. Кейинроқ эса исмларга Али ва Муҳаммад жузьларини қўйиш (Шерали, Аҳмадали, Муҳаммадшариф, Муҳаммадсодиқ) расм бўлган. XVII асрдан кейин эса бундай ном қўйиш айрим одамларнинг хос исмига айланган. Оддий килиб айтганда, арабча ном қўйишни куния деганлар.

### Лақаб

Лақаб – арабча сўз бўлиб, ном, унвон маъноларини англатади. Лақаб аслида сифат бўлиб, одамларнинг хулқу атворига қараб унинг асосий исмидан кейин қўшиладиган номдир. Лақабни одатда ифтихор тариқасида, ҳазил ёхуд ҳажву мазаммат тариқасида ишлатганлар. Лақаб одатда одамларнинг зоҳирий кўриниши, касб-кори ва хулқ-атворига ҳам қараб қўйилган. Масалан: Аҳмад Донишни калласи катта бўлгани боис Аҳмади Калла деганлар. Абдулқодирхожа Савдони мушукни яхши кўргани боис Савдои Пишак деб атаганлар. Лақаб билан таҳаллусни фарқи шуки, лақабни бошқалар қўяди, таҳаллусни адибларнинг ўзлари танлайдилар.

## «ҲАЗРАТ» УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Ҳазрат

«Ҳазрат» сўзи лугатларда куйидаги маъноларда келган:

1. Ҳозирланмок, хузур.
2. Даргоҳ, остона.
3. Мўътабар кишиларни зикр этишда таъзим ва эҳтиром сўзи (пайғамбарлар, подшоҳлар ва юқори мартабали инсонлар).

### Ҳазрат АЛИШЕР НАВОИЙ

Исми – Низомиддин.

Лақаби – Алишер.

Тахаллуси – Навоий, Фоний.

Нисбати – Ҳиротий.

Насаби – Гиёсиддин Кичкина ўғли.

Унвони – Ҳазрат, Мавлоно, Аллома, Шеърят мулкининг султони.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Ҳазрат Алишер Навоий 1441 йилда, Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. 1501 йилда Ҳиротда оламдан ўтган. Ўзбек адабиётини бутун тарихи Алишер Навоий номи билан боғланган. Алишер Ҳусайн Бойқаро билан мактада бирга ўқиган. Лекин Шоҳруҳ ўлиmidан сўнг мамлакатда юз берган ички низолар туфайли Алишернинг оиласи вақтинча Ироққа кўчиб кетади. Уч йилдан кейин оиласи Ҳирот шаҳрига қайтиб келади. Алишер болалик чоғидаёқ ўзбек тили ва адабиёти билан бир қаторда, форс-тожик, араб тили ва адабиётини ҳам чуқур ўргана бошлайди. У бадий адабиёт билан чекланмасдан, замонасининг энг йирик олимлари мураббийлигида фалсафа, тарих, адабиётшунослик,



тасаввуф ва фикҳ илмлари, мусиқа, рассомлик, хаттотлик санъатлари билан ҳам жиддий шуғулланади.

Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўтиргач, дўсти Алишерни катта мансабларга таклиф қилади. Алишер Навоий бир муддат вазирлик ва ҳокимлик вазифаларидан ишлайди. Шоир сарой аҳлининг пасткашликларидан ранжиб, вазирликдан истеъфо беради ва бутун куч-қувватини ижодга бағишлайди.

Алишер Навоий ижодининг гавҳари саналган «Хамса» – «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари – жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан бўлиб, ана ўша танаффус даврида яратилган.

У ўзининг ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, соқийнома каби лирик асарларини тўплаб, улкан бир девон ҳолига келтиради. «Ғароиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавоид ул-кибар» номлари билан тўртга бўлинган бу улў девоннинг умумий номи «Хазойин ул-маоний»дир. Бу тўпламлар кейинги вақтларда «Чор девон» номи билан шуҳрат қозонган. Шоирнинг «Насоим ул-муҳаббат», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мажолис ул-нафоис», «Мизон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарлари машҳурдир.

### **Ўзбекча ғазалларидан намуна:**

Эй сабо, холим бориб сарви хиромонимға айт,  
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки, онинг аҳду паймонида мен ўлсам доғи,  
Яхши фурсат топсанг ул бадахду паймонимға айт.

Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили,  
Куфр ила бўлмиш мубаддал номусулмонимға айт.

Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,  
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки, юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмоғум,  
Васлига бир ваъда қилғондин пушаймонимға айт.

Буки, юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,  
Қилмоғум наззора харгиз кўзи фаттонимға айт.

Буки чок айлаб ёқо усрук чиқар эл қасдиға,  
Мен ўлуб эл жон топар, бебоки нодонимға айт.

Даҳр боғи гулларин ҳуснин вафосиз эрканин,  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво,  
Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимға айт.

**Тоҷикча ғазалларидан намуна:**

### **Татаббўи Хожа Ҳофиз**

Ту хубу хулқи ту, такаллумат ҳам хуб,  
Набуда чун ту ба хубий касе ба олам хуб.

Ба ҳусн беҳ зи пари одамигарий бартар,  
Нагашта мисли ту пайдо зи насли одам хуб.

Қуший ба хубиву жон бахший аз суҳан, ки чу ту  
Набуда, аллаҳ-аллаҳ, Масеҳи Марям хуб.

Ба дил муҳаббати ту бештар шавад ҳар дам,  
Ки бештар бинамоий ба чашм ҳар дам хуб.

Анису ҳамдам агар ҳаст хуб, хубтар аст,  
Ки дар жаҳон ба кас афтад анису ҳамдам хуб.

Зи хайли мажмаи хубон ба Фонии бедил,  
Вафову меҳр бувад хубу зулму кин ҳам хуб.

## Ҳазрат САЙИД АҲМАД

Исми – Аҳмад.

Лақаби – Сайид.

Тахаллуси – Сайид Аҳмад.

Нисбати – Ҳиротий.

Унвони – Ҳазрат.

Адабиётдаги ўрин – зуллисонайн.

Сайид Аҳмаднинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV асрнинг охири, XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган адибдир. Сайид Аҳмад темурийлар хонадонидан бўлиб, насаб жиҳатидан амир Темурга набира бўлади, яъни Мироншоҳнинг ўғлидир. Сайид Аҳмаднинг отаси Мироншоҳ Амир Темурдан илгари вафот этган. У давлат ва ҳарбий ишларга салоҳиятсизлигиданми ё бўлмаса бундай ишларга қизиқмаслигиданми, ҳар нечук, бирор вилоятга узоқ вақт ҳоким бўлиб тургани маълум эмас. Бу шахзода амакиси Шохрух замонида фақирона ҳаёт кечирган.

Навоий маълумотига биноан, Сайид Аҳмад зуллисонайн шоир бўлган. Унинг ўзбекча ва тожикча девони бўлган, лекин улар бизгача етиб келмаган. Шоирнинг машҳур асари «Таашшукнома» деб аталади.

### **Шеърятдан намуна:**

Вафо боринда эй шўхи суманбар,  
Жафо кўп қилма охир, эй санавбар.

Латофат бирла нозуклук ичинда,  
Белингдур сочу сочинг мушқу анбар.

Агар оҳ урсам, оҳим шуъласиндин  
Эзилгай Қоф, эригай кўҳи Хайбар.

Кўнглунг лавҳида ишқингнинг сифотин,  
Битибтурлар азалдин ўкуб азбар.

Унутмайдур баён Сайди суюнур,  
Неча жабру жафо кўп қилса дилбар.

## Ҳазрат ЗАҲИРИДДИН БОБУР

Исми – Заҳириддин.

Лақаби – Муҳаммад.

Тахаллуси – Мирзо Бобур.

Нисбати – Андижоний.

Насаби – Умаршайх ўғли.

Унвонлари – Ҳазрат, Амир, Мирзо.

Адабиётдаги ўрин – зуллисонайн.

Заҳириддин Бобур 1483 йилда, Андижонда туғилган. 1530 йилда Ҳиндустоннинг Агра шаҳрида оламдан ўтган. Кейинчалик унинг васиятига кўра, Бобурнинг жасади Кобулга олиб келиб дафн этилган. Бобурнинг отаси Умаршайх Амир Темурнинг набираси, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган.

Заҳириддин Бобур сарой муҳотида тарбия олиб, яхши мураббий ва устозлардан таълим ва тарбия олган.

1495 йилда Умаршайх оламдан ўтади ва 12 ёшли Бобур отаси ўрнига тахтга ўтиради. Бобур катта давлат арбоби ва саркарда бўлиши билан бирга, талантли олим ва шоир ҳам эди. Унинг лирик шеърлари ўзининг мазмундорлиги ва бадиийлиги жиҳатидан ўзбек адабиёти тарихида Лутфий, Атоий, Саккокий ва ўша даврнинг бошқа йирик шоирлари билан бир катордан ўрин олади. Алишер Навоий адабий-бадиий анъаналарини давом эттиради. Бобурнинг «Бобурнома» номли мемуар асари Шарқ тарихи, жуғрофияси бўйича ғоят муҳим маълумотларга эга нодир илмий-адабий ёдгорликдир.

### Шеърятидан намуна:

Хуршед юзунг бирла букун, эй маҳи тобон,  
Даъви гар этар булгуси кун сўнгра пушаймон.

Сен гул киби то ғамзадасен, хуснунгга мағрур,  
Булбул киби мен ғамзадамен, хуснунгга ҳайрон.

Гул юзунг эрур лола, вале лолаи худруй,  
Тор оғзинг эрур ғунча, вале ғунчай хандон.

Гоҳи қулоғинг тўлғади, гаҳ юзунга келди,  
Зулфунгни йиғиштурки бәсе бўлди паришон.

Чун бўлди сочи ториға жон риштаси пайванд,  
Бобур, кўнгул узмак сочидин эмди не имкон.

## ШАЙХ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Шайх

Шайх – арабча сўз бўлиб, «пир», кекса киши, кўчма маъноларда эса тойифа, қабила ва дин пешвосини англатади.

Тасаввуфда хонақоҳларда солиқларга тариқату маърифатдан таълим берувчи кишини «шайх» дейишган. Муридлар ўз пирларини тириклик пайтларида улуғлаб, улар ҳақида афсонаю ривоятлар тўқиганлар ва вафот этганларидан кейин қабрларини зиёратгоҳга айлантирганлар.

### Шайх СУҲАЙЛИЙ

Исми – Низомиддин.

Лақаби – Аҳмад.

Тахаллуси – Суҳайлий.

Нисбати – Ҳиротий.

Унвони – Шайх.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Суҳайлий – Низомиддин Аҳмад Амир Шайхам 1444 йили Ҳирот шаҳрида дунёга келиб, 1502 йилда Ҳиротда оламдан ўтган. Тожик шоири, зуллисонайн, давлат ходими. Бошланғич маълумотни Ҳиротда олиб, кейин Самарқанд мадрасаларида таҳсилни давом эттирган.

Ҳиротда қарийб 20 йил Ҳусайн Бойқарога вазирлик қилган. Жомий ва Навоий билан дўст бўлган. Ҳусайн Воизи Кошифийнинг «Калила ва Димна» асарини «Анвори Суҳайли» номи билан қайта ёзиб, унга бағишлаган. 11 ёшидан шеър ёза бошлаган. «Суҳайлий» тахаллусини унга устоди Шайх Озарий берган. Шоир форсий ва туркий тилларида девон тузган экан.

## Шайх УБАЙДУЛЛОХОН

Исми – Абулғози.

Насаби – ибни Маҳмуд Султон.

Лақаби – Убайдулло.

Тахаллуси – Убайдий.

Нисбаги – Хоразмий.

Унвони – Шайх.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Убайдулло Султон – Убайдий (асл исми Шайх Абулғозий Убайдуллох Баҳодирхон ибни Маҳмуд Султон ибни Шох Будоғ Султон ибн Абулхайрхон) 1486 йили Хоразмда таваллуд топиб, 1540 йилда Бухорода вафот этган. Зуллисонайн шоир тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Шайбонийлар сулоласидан. Отасининг илтимосига биноан, Хожа Убайдуллох Аҳрор Вали ўз номини берган. Отаси Маҳмуд Султон Хоразм ва Бухоро ҳокими бўлган.

Убайдуллохон Яссавия ва Накшбандия тариқатларига эргашиб, шайх сифатида муридлар ҳам тарбиялаган. «Убайдий», «Убайдуллох», «Кул Убайдий» тахаллуслари билан араб, форс ва туркий тилларида шеърлар ёзган. Унинг «Шавқнома», «Ғайратнома», «Сабрнома», «Девони Убайдуллохон», «Масоил ус-салот» каби асарлар муаллифи.

Убайдий Бухоро яқинида жойлашган Баҳоуддин мажмуасидаги Дахмаи Шохондаги Шайбонийлар хилватхонасига дафн этилган.

## Шайх АБДУЛЛАТИФ

Исми – Абдуллатиф.  
Насаби – Ибни Аҳмади Жомий.  
Тахаллуси – Шайхулислом.  
Нисбати – Жомий.  
Унвони – Шайх.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Шайх Абдуллатиф Шайхулислом Аҳмади  
Жомийнинг авлодларидан.

Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумотларига биноан  
XVI асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган шоирдир.  
Зуллисонайн, туркий ва форсий тилларда шеърлар  
ёзган.

### Тоҷикча шеърятидан намуна:

Муҳакқиқ сифати ту аҳди маъниро,  
Ба маҳтоб чи ҳожат шаби тажаллиро.

### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Лолалар чикди қизил тож ила шоҳлар каби,  
Чекди савсан тиглар сунний сипоҳлар каби.



## Шайх СЎФИ АЛЛОҲЁР

Исми – Аллоҳёр.  
Насаби – ибни Аллоҳқули.  
Лақаби – Сўфи.  
Тахаллуси – Сўфи Аллоҳёр.  
Унвони – Шайх.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Шайх Сўфи Аллоҳёр ибни Аллоҳқулий 1630 йили Самарқанд атрофида таваллуд топган. 1723 йилда Бухорода вафот этган. Ўзбекнинг Минг деган қабиласидан. Зуллисонайн шоир. Бошланғич таълимни Самарқандда олиб, кейинроқ Бухорога бориб таҳсилни давом эттирган. Кейинроқ жўйбория шайхларига мурид тушиб, ўзи ҳам шайхлик мақомига эришган.

Сўфи Аллоҳёрнинг машҳур асарлари: «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-ожизин», «Шарҳи маснавий», «Махзан ул-мутеин» ва ғайралар. Ўзбек ва тожик тилларида ғазал, мухаммас, рубойлар битган. Унинг охириги асари «Мурод ул-орифин» бўлиб, тасаввуф йўналишида ёзилган.

### Тожикча шеърятдан намуна:

Хидмати шоҳи аср мекардам,  
Нон заққуму заҳр меҳўрдам.

Яъне ноне, ки аз тамаъ пайдост,  
Гўям аз ин зиёда, низ равост.

## АЛЛОМА УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ


Аллома – сўзи луғатларда донишманд, кўп илмларни билувчи шахс маъноларида келган. Адабиётимиз тарихида бундай одамлар жуда кам, жумладан, адиблардан Форобий, Ибни Сино, Беруний, Умар Хайём, Улуғбек, Олтинхон Тўра, Алихонгўра, Айний, Фиграт ва бошқалардир.

### Аллома УЛУҒБЕК

Номи – Муҳаммад.  
Насаби – ибни Тарағай.  
Тахаллуси – Улуғбек.  
Нисбати – Самарқандий.  
Унволари – Аллома, Мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Улуғбек – Муҳаммад Тарағай 1394 йили Султония шаҳри – Эронда таваллуд топиб, 1449 Самарқанд шаҳрида вафот этган. Аллома, буюк олим, астроном, математик, давлат ва жамоат арбоби. Шохрухнинг ўғли, Амир Темурнинг набираси. Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори пағонасига олиб чиқди. Самарқандда илмий мактаб ташкил этди. Улуғбек Самарқандда иккита мадраса бино этган. Унинг «Зиж», «Осор ул-боқия» асарлари илм оламида машхур.

Улуғбек тарих, адабиёт ва мусиқада ҳам забардаст олим бўлган. У зуллисонайн олим сифатида ўзбек ва тожик тилларида асарлар ижод қилган. Улуғбек форс-тожик тилини ҳам яхши билган ва шеърлар ёзган. Эрондаги Машҳад шаҳрининг биноларидан бирида унинг қаламига мансуб ушбу байти топилган:



**Тоҷикча шеърятидан намуна:**

Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,  
Шўхий макун, ки чашми бадон дар камини туст.

**Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Эй хуш ул кунларки, кўнглум васлидан хушҳол эди,  
Ахтарим фархундаву бахтим ҳумоюнфол эди.

**Аллома АЛИХОНТЎРА**

Исми – Алихонтўра.

Насаби – Шоқирхўжа ўғли.

Тахаллуси – Соғуний.

Нисбати – Тўқмоқлик.

Унвони – Аллома.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Алихонтўра Шоқирхўжа ўғли Соғуний 1885 йили Тўқмоқда таваллуд топиб, 1976 йили Тошкент шаҳрида оламдан ўтган. Дин ва жамоат арбоби, уламо. Мадина ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган.

Алихонтўра давр ўзгариши билан муҳожир сифатида аввал Қашқарда паноҳ топти, лекин Хитой маъмурияти томонидан умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди. 1941 йили адлиявий тафтиш натижасида озод қилинди ва умрининг охиригача Тошкентда яшади.

## Аллома САДРИДДИН АЙНИЙ

Исеми – Садриддин.

Нисаби – Саидмуродхожа.

Тахаллуси – Айний.

Нисбати – Бухорий.

Унвони – аллома, олим.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Айний – Садриддин Саидмуродзода 1878 йили Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида таваллуд топган. 1954 йилда Душанбеда оламдан ўтган.

Садриддин Айний Бухоро мадрасаларида таълим олган. Тожиқ ва ўзбек тилларида ижод қилган. Тожиқистон Фанлар Академиясининг биринчи президенти – 1951-54. Ўзбекистон Фанлар Академияси фахрий аъзоси – 1943. Тожиқистонда Хизмат кўрсатган фан арбоби – 1940. Филология фанлари доктори – 1948, профессор – 1950.

Адибнинг «Одина», «Дохунда», «Куллар», «Судхўрнинг ўлими», «Эсдалиқлар» каби повест ва романлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Айний олим сифатида кўпгина илмий асарлар ёзган. Шоир икки тилда шеър ва асарлар ёзган. Айний «Куллар» романини аввал ўзбек тилида ёзиб, кейин ўзи тожиқ тилига таржима қилган. Унинг номига Тожиқистон ва Ўзбекистондаги бир қанча туман, мактаб, кўча ва маданият муассасалари қўйилган.

## Аллома АБДУРАУФ ФИТРАТ

Исми – Абдурауф.

Насаби – Абдурахим ўғли.

Тахаллуси – Фитрат.

Нисбаги – Бухорий.

Унвони – Аллома.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Абдурауф Фитрат – Абдурауф Абдурахим ўғли 1886 йили Бухоро шаҳрида, зиёли оиласида туғилиб, 1938 йилда Тошкентда оламдан ўтган. Ёзувчи, шоир, тарихчи, тилшунос, санъатшунос, давлат ва жамоат арбоби, маърифатпарвар.

Фитрат адабиётимиз тарихида шоир ва олим, драматург, ўқитувчи ва маърифатпарвар сифатида муҳим ўрин эгаллаган.

Фитрат тожик, ўзбек ва араб тилларини мукаммал билгани боис, Шарқнинг буюк алломалари ижодини яхши ўзлаштиради. 1909 йили Туркияга бориб, Истамбул Дорулфунунида таҳсил олган. Зуллисонайн шоир ва ёзувчи тожик ва ўзбек тилларида асарлар ёзган. Унинг «Сайҳа», «Сайёҳи ҳиндий», «Мунозара» номли дастлабки тўпламлари, кейин «Ҳинд ихтиролари», «Темур сағанаси», «Або Муслим», «Турк тили» каби асарлари, ҳамда «Беғижон», «Чин севиш», «Восеъ қўзғалони», «Рўзалар» каби драмаларни яратди.

Фитратнинг адабиётшунос олим сифатида «Адабиёт қоидалари», «Эски ўзбек адабиёти намуналари», «Арўз ҳақида» каби илмий ишлари маълум.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лаурети – 1991.

---

---

## МАЛИКУШШУАРО УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Маликушшуаро

Маликушшуаро машхур расмий фахрий унвон ҳисобланиб, сарой доирасидаги машхур шоирларга берилган. Шоҳ саройида маликушшуаро мартабаси вазир даражасидан юқори турар эди. Бу унвон газнавийлар давридан бошланган.

Манбалар маълумотларига биноан, ушбу унвон илк бор Унсурий деган адибга насиб этган экан. Унсурийдан кейин Амъаки Бухорий, Абдулмалики Бурҳоний, Амир Муиззий, Абулаълои Ганжавий, Мавлоно Бадахший, Ғаззолий Машҳадий, Файзий Даканий, Толиби Омулий каби форс-тожик адиблари сазовор бўлган. XVI асрдан XIX асргача адабиётда Мушфикий ва Султонхожа Адодан бўлак ҳеч ким бу унвонга сазовор бўлгани маълум эмас. Эронда XVI асрдан кейин бу унвонга бир неча киши сазовор бўлган. Уларнинг энг охириги Маликушшуаро Баҳор эди. Ҷша даврда Афғонистонда Бетоб номли шоир бу унвонга сазовор бўлган. Саройдаги анъанага кўра, ҳар бир янги келган шоир, аввал шеърини Маликушшуарога кўрсатар ва унинг ижозати билан шоҳ олдида ўкиб берар эди.

Маликушшуаро ҳар бир даври замонда ўзининг муродифларига эга бўлган. Жумладан, «Амирушшуаро», «Султонушшуаро», «Тоҷушшуаро», «Хотиматушшуаро», «Саидушшуаро», «Устодушшуаро», «Имомушшуаро», «Маликулкалом» номли «Маликушшуаро»га тенг унвонлар ҳам бўлган. Ушбу унвонлар энг истеъдодли, донишманд, фозил адибларга берилган.

## Маликушшуаро БАДРИ ЧОЧИЙ

Исми – Бадриддин.

Тахаллуси – Бадр.

Нисбати – Чочий, Шоший, (Тошкандий).

Унвони – Маликушшуаро.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Бадриддин Чочий 1285 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1344 йили Дехли шаҳрида оламдан ўтган. Зуллисонайн шоир. Форсий ва туркий тилларда ижод қилган. Дехлида Султон Муҳаммад Туғлуқ саройида хизмат қилган. Султонга атаб касидалар ёзган. Шоҳ томонидан унга «Маликушшуаро», «Фахруззамон» деган унвонлар берилган. Унинг «Қасидаи шитоия», «Қасидаи сайфия», «Қасидаи раббия» номли асарлари мақбул бўлган. Унинг биргина «Шарҳи қасоиди Бадри Чочий» номли асари ва ғазаллари сақланиб қолган.

## Маликушшуаро МУҲАММАД СОЛИХ

Исми – Муҳаммад.

Насаби – Нурсайд ўғли.

Тахаллуси – Муҳаммад Соли.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – Маликушшуаро.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммад Солих Нур Саид ўғли 1455 йилда Хоразмда туғилган.

Муҳаммад Солих 1535 йилда Бухоро шаҳрида оламдан ўтган. У Ҳиротга келиб ўз даврининг буюк мутафаккири Абдурахмон Жомий кўлида таҳсил олишга мушарраф бўлган адибдир. Отаси Ҳусайн Бойқаро томонидан ўлдирилган. Шоир Шайбонихон саройида кўп илтифотлар топади ва унга «Амир ул-умаро» мансаби ва Маликушшуаро унвони берилади. У ўзининг «Шайбонинома» номли асари билан машхурдир.

Муҳаммад Солиҳ зуллисонан шоир. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ижод қилган. Афсуски, унинг девонлари бизгача етиб келмаган.

### **Маликушшуаро НИСОРИЙ**

Исми – Ҳасанхожа.

Насаби – Пошохожа ўғли.

Тахаллуси – Нисорий.

Нисбати – Бухорий.

Унвони – Маликушшуаро.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонан.

Ҳасанхожа Подшоҳхожа Нисорий 1516 йили Бухорода таваллуд топиб, 1597 йилда Бухорода оламдан ўтган. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Адабиётдан бўлак риёзиёт, ҳандаса тиббиёт, мусиқа илмларини пухта ўрганган. Адиб «Маликушшуаро» унвонига сазовор бўлган адиблардандир.

Адибнинг машҳур қилган асари «Музақкири аҳбоб» номли тазкирасидир. «Музақкири аҳбоб» асари Давлатшоҳи Самарқандий асари «Тазкират ушшуаро» ва Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарларидан кейин учинчи ўринда туради. Нисорий зуллисонан шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида девонлар тузган. Бироқ девонлар бугунги кунга қадар топилмаган.

#### **Тожикча шеърятдан намуна:**

Устои азал сафинаи дил чу намуд,  
Шерозаи он намуд аз риштаи жуд.

Аз дафтари узву кулл рақам кард дар ў,  
Гардонд варо мужаллид аз жилди вужуд.



## Маликушшуаро ФАЗЛИЙ НАМАНГОНИЙ

Исми – Фазлиддин.

Тахаллуси – Фазлий.

Нисбати – Намангоний.

Унвони – Маликушшуаро.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Фазлий Намангонийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда яшаб ижод қилган. У ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. У Кўконга келиб Амир Умархон саройида хизмат қилди. Саройда Маликушшуаро унвонига сазовор бўлди. «Мажмўии шопрон» номли асари машҳур.

### Тожикча шеърятидан намуна:

То ниҳон шуд он ба рух чун офтоб аз чашми ман,  
Рехт анжумҳои ашки беҳисоб аз чашми ман.

Риштаи тори назар банди ниқоби ҳусни туст,  
Он жамоли бенишон дорад ҳижоб аз чашми ман.

Наргиси жодуи ў то ҳамнишини сурма гашт,  
Рўзи ман гардид чун шаб, рафт хоб аз чашми ман.

Бе жамоли ёр, агар ин аст, Фазлий, гиряам,  
Хонаи мардум шавад яқсар хароб аз чашми ман.

---

---

## АМИР УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Амир

«Амир» сўзи – арабча. Амр қилувчи ва фармон берувчи маъноларини англатади.

«Амир» истилоҳи кейинроқ бир неча маъноларда ишлатилган:

1. Қавм ё қабила сардорининг унвони бўлган.

2. Араб халифатида вилоят ҳокимининг фахрий унвони саналган. Бу унвон амир томонидан янги тайинланган ҳокимларга бериларди. Халифат тобе-лигидаги мамлакатларда дин пешвосини Имом ва сиёсий пешвони Амир дейишган.

3. Ўтмиш замонларда Амир – унвон ёхуд олий рутба саналган. Масалан: а) Амиралмўминин-ҳазрат Али Абўтолибнинг фахрий унвони. б) Амиралумаро – ҳарбий олий рутбаси. в) Амирулбаҳр – Денгиз ҳарбий фармондеҳи. г) Амирулжайш – Сипаҳсолор. д) Амируш-шуаро – саройшоирларининг сардори. е) Амирулҳужжоб-сарой бош дарвозабони. Адабиётшунослик илмида ҳам амир сўзи кўп маъноларда қўлланган.

1. Исми;

2. Буюк одамларнинг лақаби;

3. Шоирларнинг тахаллуси;

4. Буюк шоирларнинг фахрий унвони сифатида.

Амир истилоҳи уч шаклда келган. а) Амир. б) Амирий. в) Мир. Мисол тариқасида: Мир Алишери Навоий, Амир Хусрави Дехлавий, Амир Умархон. Амир лақаби ва тахаллуси нафақат шоирларга насиб бўлган, балки рассомлар, бастакорлар, оҳангсозларга ҳам берилган. Амир Давлатёр – мусаввир, Амир Иброҳими Қонуний – Амир Рухуллоҳ – хаттот ва мусиқашунос. Тожик ва ўзбек мумтоз адабиётида «Мир», «Амир», «Амирий» тахаллуси ва унвони билан шеър ёзган шоирлар ниҳоятда кўп. Мир Гесўий, Мир

Саводий, Мир Муҳаммад Мунший, Мир Табиб, Мир Девона, Мир Фахмий. Амирхон Хожа, Амир Алиакбар Самарқандий, Амир Боқий, Амир Давлатёр, Амир Муҳаммад Бадриддин, Амир Рухуллох, Амир Шайхий, Амир Ҳумоюни Самарқандий, Амир Алии Юзтегин, Амир Масти Ҳирави, Амир Ҳожии Самарқандий, Амир Шоҳий Хонанда, Амир Асадуллох Исфажоний, Амир Музаффари Туркман, Амир Шужоиддин, Амир Садриддин, Амир Низомиддин, Амир Ҳайдар, Амирий (Зиёуддин), Амирий (Қоиммақом) ва ҳоказолар.

Амир тахаллуси билан шеър ёзганларнинг ҳаммаси ҳам Амир вазифасида хизмат қилмаган. Баъзилари нисбат жиҳатидан бу унвонга эга бўлганлар. Баъзилари эса сарой муҳитида шоирлар сардори бўлганлар.

## АМИРИЙ

Исми – Зиёуддин.

Тахаллуси – Амирий.

Нисбати – Бадахшоний.

Унвони – Амир.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Амирий Зиёуддин Бадахшонийнинг таваллуд топган йили номаълум, 1490 йилда, Бадахшонда вафот этган. Зуллисонайн шоир. Тоҷик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Бир муддат Ҳиротда Шоҳрух ва Бойсунқур саройида яшаган. Шоир асосан Камол Ҳўжандийга пайравлик қилган. Унинг «Дахнома» ва «Бангу бода» номли асарлари бизгача етиб келган. У туркий тилда ҳам шеърлар ёзган, лекин Навоийнинг айтишича, унинг туркий шеърлари шуҳрат топмаган.

### Тоҷикча шеърятидан намуна:

Рўзи қисмат ҳар касе, аз айш бахши худ ситонд,  
Ғайри зоҳид, кў риёзатҳо кашиду хушк монд.

## Юсуф АМИРИЙ

Исми – Юсуф.

Тахаллуси – Амирий.

Нисбати – Ҳиротий.

Унвони – Амир.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Юсуф Амирийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XV асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган. Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида уни Саккокий, Атоий ва Лутфийлар қаторида тилга олган.

Шоир ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёзган. Унинг ўзбек тилида битган асарларидан бизгача «Девон», «Дахнома», «Банг ва чоғир мунозараси» асарлари етиб келган.

### Ғазалларидан намуна:

Эй кўзда юзунг ҳайрати осори тамошо,  
Наззораи хуснинг гули бехори тамошо.

Кўнглум тапиши айлади савдо элини хуш,  
Девона эрур равнақи бозори тамошо.

Муфт ўлди ҳавас аҳлини савдойи висолинг,  
Бемоя топар суд харидори тамошо.

Кўнглим қушини зоғларинг қилди музайян,  
Шавқ этти бу товусни гулзори тамошо.

Дил дийдаси бирла кўрайин ёр юзини,  
То ўлмая ағёр хабардори тамошо.

Кўнглимни қилиб қасри вафо ишқ, Амирий,  
Кўз манзарасин айлади анвори тамошо.

## Амир БАЙРАМХОН

Исми – Байрамхон.  
Лақаби – Абдурахим.  
Тахаллуси – Раҳимий, Байрам.  
Нисбати – Деҳлавий.  
Унвони – Амир.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Байрамхон Абдурахим 1556 йилда, Деҳлида дунёга келган ва 1622 йилда Деҳли шаҳрида оламдан ўтган. Шоир ва таржимон. Акбар ҳукмронлиги даврида «Хонлар хони» унвонига сазовор бўлган.

Байрамхон «Бобурнома»ни форс тилига таржима қилган. Унинг «Раҳимий» тахаллуси билан турк, форс, араб ва санскрит тилларида ёзган шеърлари бор. Ҳумоюн подшоҳнинг эътиборли амирларидан бўлган.

Жавоҳарлаъл Неру Байрамхонга катта баҳо берган.

Зуллисонайн шоир асосан тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган.

### Тожикча шеърятидан намуна:

Ман кистам, инони дил аз даст додае,  
Аз дасти дил ба роҳи ғам аз по фитодае.

### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Етмасун осеби таб сарви хиромоним санга,  
Эсмасун боди хазон гулбарги хандоним санга.

Бошингта эврулса жони нотавоним не ажаб,  
Чун тилайдур садқа бўлмоқ нотавон жоним санга.

Йўқтурур, биллаҳ, малолинг эшитурга тоқатим,  
Етмасун ногаҳ малолангиз афғоним санга.

То сени бетоб эшитгим, бас, паришонҳолмен,  
Ваҳки, зоҳир бўлмади ҳоли паришоним санга.

Ҳар жафо бўлса мени бетобга бўлсун насиб,  
Йўктурур тоби жафо хуршиди тобоним санга.

Лабларинг васфида Байрам шеърідур оби ҳаёт,  
Сихҳати берсун илоҳи оби ҳайвоним санга.

### **Мир ОБИД**

Исми – Обид.

Тахаллуси – Мир.

Нисбати – Ҳиротий.

Унвони – Амир.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонан.

Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумотларига биноан, Мир Обид Ҳиротда таваллуд топиб, яшаб ижод қилган шоирлардан. Зуллисонан шоир. Туркий ва форсийда ижод қилган.

#### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Эй сабо, зулфини ҳар лаҳза намоён этма,  
Гиреҳни очмаву кўнглумни паришон этма.

#### **Тоҷикча шеърятидан намуна:**

Бар суфаи фақр шину ангор чунон,  
Бар тахт нишастаи Сулаймон шуда.

## Амир УМАРХОН

Исми – Умархон.

Тахаллуси – Амирий.

Нисбати – Қўқандий.

Унвони – Амир.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Умархон Амирий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган адибдир. У 1787 йили Қўқонда таваллуд топиб, 1822 Қўқонда вафот этган. Қўқон хони – 1810-1822. Норбўтабийнинг ўғли. Ўзбекларнинг Минг уруғидан. Нодирабегимнинг эри. Бошланғич саводини оилада чиқариб, кейин мадрасада таҳсил олган.

Умархон илм, маданият, санъат ва адабиётга катта эътибор берган. Ўзи ҳам Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Ўз атрофига 70 дан ортиқ шоирни тўплаган. Унинг амрига биноан, Фазли Намангоний ўз тазкираси «Мажмўаи шоирон»ни ёзган ва 63 шоир хақида фойдали маълумотлар берган.

### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Боғ ичра сарв тарзи хиромингга бандадур,  
Хуршеди чарх моҳи тамомингга бандадур.

Лаълинг такаллумики фасоҳатда дур сочар,  
Гул ғунчаси рамузи каломингга бандадур.

Олдингда шоҳи гул эгилиб юз ниёз ила,  
Эй навниҳоли ноз, саломингга бандадур.

Ишқингни соғари мани саргашта айлади,  
Даври сипеҳр соғари жомингга бандадур.

Бошингдин айланиб, сари кўюнгдин ўргулай,  
Кўнглум куши кабўтари бомингга бандадур.

Васлингни муждаси манга етти фироқ аро,  
Жону кўнгул хужаста паёмингга бандадур.

Ром ўлди кўзларингни ғазоли жунунима,  
Яъни бу шер ваҳшийи ромингга бандадур.

Ҳарчанд Амири мамлакати иззу нозман,  
Кўнглум каманди ҳалқаи домингга бандадур.

**Тоҷикча шеърятидан намуна:**

Бувад дар ишқ гаҳ бо масҳафу рухсор савгандам,  
Гаҳе бо ҳалқаи гесўи анбарбор савгандам.

Чи сон дил аз хами зулфи гирехгири ту баргирам,  
Чу шавқат дод бо он масҳафу рухсор савгандам.

Чунон эъзоз дорам мў ба мў дини муҳаббатро,  
Ки бошад аз сари зулфи ту бар ҳар тор савгандам.

Гаҳе бо зулфу гаҳ бо оразу гаҳ бо хати мушкин,  
Бувад дар даъвии ишқи бутон бисёр савгандам.

Ба дорулмулки лутфат маҳзари ишқи ту овардам,  
Надорам шоҳиде инё, бидех ночор савгандам.

Амир, омад баҳору жуз шикастан нест имконе,  
Дихад гар муҳтасиб бар тарки ман сад бор савгандам.



## Амир ШАЙХАМ СУҲАЙЛИЙ

Исми – Суҳайл.

Таҳаллуси – Амир Шайхам.

Нисбати – Хуросонлик.

Унвони – Амир.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Амир Шайхам Суҳайлий асли Хуросонда туғилган. Ёшлигидан илм ўрганишга иштиёқи баланд бўлган. Замонасининг илмларини ўрганиб, шуҳрат қозониб, Амир Саид Мирзо хизматига боради. Кўрсатган хизматлари учун обрў ва эътиборга эга бўлади ва юқори мартабаларга эришиб, Амир унвонига лойиқ деб топилади.

Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Тожикча шеърятидан намуна:**

Ҳар замонам қоматаш дар нолаи зор оварад,  
Тарсам аз нахли бало девонагий бор оварад.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Зухд эли тасбиҳ деб ҳайрон қолур авбош аро,  
Риштаи жисмимни кўрса қатра-қатра ёш аро.

---

---

## МИРЗО УНВОНЛИ ЗУЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

«Мирзо» сўзи аслида «амирзода» сўзининг қисқартирилган шакли. Луғатларда котиб, мунши маъноларида ҳам ишлатилган. Сайиднасаб шахзодаларнинг исмларининг охирига қушиб ёзилган ҳамда саводли ва зиёли одамларни ҳам мирзо дейишган..

### Аскарый МИРЗО

Исми – Аскарый.

Насаби – Мирзо Бобур ўғли.

Тахаллуси – Аскарый.

Нисбати – Қандаҳорий.

Унвони – Мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Аскарый Мирзо 1512 йили Қандаҳорда таваллуд топиб, 1558 йилда Маккада вафот этган. Мирзо Аскарый 1530-1551 йиллар Меват ва Қандаҳор ҳокими бўлган. Бобурийлардан. Мирзо Бобурнинг учинчи ўғли. Комрон Мирзо кутқуси билан Бобурийлар ҳукмдори Ҳумоюнга қарши бир неча марта исён қўтарган ва ниҳоят, Кобул яқинида бўлган жангда (1551) асир олиниб, ўзининг талабига кўра, ҳажга юборилган. 1558 йилда, йўлда оламдан ўтган ва Маккадаги қабристонга дафн этилган. Мирзо Аскарый зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

#### Тожикча шеърятидан намуна:

То кард Худо рўзии ман водии ғамро,  
Дар ишқ салоҳ аст араброву ажамро.

Мажнун чу назар кард сўи нокаи Лайлий,  
Аз дидани ў кард фаромўш аламро.

## Сулаймон МИРЗО

Исми – Сулаймон.  
Тахаллуси – Зукко.  
Нисбати – Лохурий.  
Унвони – Мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Сулаймон 1514 йилда Лохурда таваллуд топиб, 1590 йилда ўша ерда вафот этган. Бадахшон шохи. Темурийлар авлодидан. Султон Вайс Мирзонинг ўгли. Бобур уни отаси вафотидан сўнг ҳоким қилиб тайинлайди. Хумоюн даврида ҳам Бадахшонни бошқарган. Зуллисонайн шоир Зукко тахаллуси билан тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

## Мирзо СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН

Исми – Бадиуззамон.  
Тахаллуси – Мирзо султон.  
Нисбати – Самарқандий.  
Унвони – Мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Султон Бадиуззамон хушчақчақ, зарофатгўй, доно киши бўлган.

Зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар битган.

### Ўзбекча шеърларидан намуна:

Эй сабо, гар сўрса ҳолим шаммае ул сарвиноз,  
Эврулуб бошига мен саргаштадин еткуру ниёз.

## Мирзо ШОҲ ҒАРИБ

Исми – Мирзошоҳ.  
Тахаллуси – Ғарибий.  
Нисбати – Ҳиротий.  
Унвони – Мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Шох Ғариб – темурий шохзодалардан бири, Хусайн Бойқаронинг ўғли. Замондошлари томонидан ўз даварининг нодир, шўхтабъ, хушзеҳн, фозил ва зариф шахси сифатида эътироф этилган. Зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар битган.

### Тожикча шеърятидан намуна:

Дўстон, ҳар гаҳ гузар сўи мазори ман кунед,  
Жои табрикам дуои жони ёри ман кунед.

### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Тарки меҳр айлаб, агарчи бўлди жонон ўзгача,  
То тирикман, қилмағумдур аҳди паймон ўзгача.

## Мирзо ФАРИДУН ХУСАЙН

Исми – Фаридун.  
Насаби – ибни Хусайн.  
Тахаллуси – Мирзо Фаридун.  
Нисбати – Ҳиротий.  
Унвони – Мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Фаридун Хусайн, хуштабъ, хушзеҳн, фозил ва зариф одамларни яхши кўрган, улар билан шеърхонлик қилган ва ўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларида шеърлар битган.

**Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Эй сабо, еткур манга сарви равонимдин хабар,  
Раҳм этиб бергил манга ороми жонимдин хабар.

**Тоҷикча шеърятидан намуна:**

Гарчи дар кӯи ту помоли жафо гардидам,  
Ба Худо гар сари мӯе зи вафо гардидам.

**Мирзо СУЛТОН МАСЪУД**

Исми – Масъуд.

Тахаллуси – Шоҳий, Орифий.

Нисбати – Ғазнавий.

Унвони – Мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Султон Масъуд Шоҳий 1475 йили Ғазнада таваллуд топиб, 1507 йилда Ғазнада вафот этган. Темурий шохзодалардан бири. Ҳурфикрли, хушзехн, фозил ва зариф одамлар билан шеърхонлик қилган ва ўзи ҳам шеърлар битган. Отаси Султон Маҳмуд Мирзо Соҳибқирон Амир Темурга 5-бўғин авлоддир.

Мирзо Султон Масъуд туркий шеърларида «Шоҳий», форсий шеърларида «Орифий» тахаллусларини қўллаган ва икки тилда алоҳида-алоҳида девонлар тузган.

**Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Ёр бориб жонга қўйди доғи фурқат, эй рафиқ,  
Кўнглума қор этмисунму дарди гурбат, эй рафиқ?

## Мирзо ҲУМОЮН

Исми – Ҳумоюн.

Насаби – Бобурийлардан.

Нисбати – Ҳиндистоний.

Унвони – Мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Ҳумоюн 1508 йилда Бобуршоҳ оиласида таваллуд топиб, 1556 йилда вафот этган шоҳзодадир. Отаси Бобурнинг Ҳиндистондаги мулкларига эга бўлган. Мулкани кенгайтиришга ҳаракат қилган. Бироқ низолар ва укалари Мирзо Комрон, Мирзо Феруз, Мирзо Аскарӣ ва Мирзо Ҳиндолнинг мустақилликка интилишлари давлатни заифлаштирган. Ҳумоюн Мирзо зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

## Мирзо ҲАЙДАР

Исми – Муҳаммад.

Насаби – Ҳайдар Дуғлот

Тахаллуси – Мирзо Ҳайдар.

Нисбати – Тошкандий.

Унвони – Мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот – Мирзо Ҳайдар 1499 йили Тошкентда таваллуд топиб, 1551 йилда оламдан ўтган. Тарихчи, олим, давлат арбоби. Муҳаммад Ҳусайн Кўрагонийнинг ўғли. Онаси Хуб Нигорахоним Юнусхоннинг кичик қизи, Бобурнинг онаси – Қутлуғ Нигорахоннинг синглиси эди. Шайбонихоннинг буйруғи билан унинг отаси қатл қилинади. У мажбур бўлиб, Бадахшонга қочади. 1509 йилда Қобулга – Бобур боради ва катта иззат топади.

Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий» ва «Жаҳоннома» номли тарих ва географияга оид асарлар ёзган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар

ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Ишк аҳли ичра кирма, каслигинг фано тутиб,  
Тазвир доми бирла бу қушларни хуркутиб.

### **Тожиқча шеърятидан намуна:**

Инсоф бидех, эй фалаки минофом,  
3-ин ҳарду кадом хубтар кард хиром?

Хуршеди жаҳонтоби ту аз жониби шарк,  
Ё моҳи жоҳонгарди ман аз жониби Шом?

## **Мирзо ОҒАҲИЙ**

Исми – Муҳаммад Ризо.

Тахаллуси – Огаҳий.

Нисбати – Хивалик.

Насаби – Эрнийезбек ўғли.

Унвони – Мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли – Огаҳий 1809 йили Хивада таваллуд топган. Шоир 1874 йилда ўз қишлоғи Қиётда вафот этган.

Огаҳий Хива мадрасаларида таълим олади. Шоир Мунис Хоразмийнинг тарбиясини олган. Огаҳий замонаси илмларини, форс-тожик ва араб тилларини яхши ўрганади. Ундан бизга бой маънавий мерос қолган.

Огаҳий таржимон сифатида ҳам машҳурдир. У Оллоқулихон (ҳукмронлик даври 1825-1842) девонхонасига мирзолик вазифасига ишга киради.

Огаҳий Хива хонлиги воқеаларини ақс эттирган «Риёзуд-давлат», «Зубдат ут-таворих», «Тарихи гулшани давлат», «Жомиул воқеоти султоний», «Шоҳиди иқбол» асарларини ва Мунис Хоразмийнинг «Фирдавс ул-

иқбол» асарининг давомини ёзади.

Огаҳий шоир ва таржимон сифатида форс-тожик адибларининг йигирмага яқин асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Гулистони Саъдий», «Баҳористони Жомий», «Ҳафт пайкари Низомий», «Ҳашт бихишти Хусрави Дехлавий» каби асарлар шулар жумласидандир.

### **Шоирнинг ғазалларидан намуна:**

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,  
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини кўринг.

Икки ҳилолини кўруб қонмаса меҳрингиз агар,  
Сафҳаи орази уза нуқта холини кўринг.

Нуқтаи холини кўруб сабр эта олмас эрсангиз,  
Ҳусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг.

Қадди ниҳолини кўруб кўнглунгиз этмаса қарор,  
Жон кўзи била боқибон лаъли зулолини кўринг.

Лаъли зулолини кўруб жонингиз этса изтироб,  
Чораи ҳолингиз учун шаҳди мақолини кўринг.

Шаҳди мақолини кўруб топмаса чора ҳолингиз,  
Нуктага лаб очар чоғи ганжу далолини кўринг.

Ганжу далолини кўруб истасангиз муроди дил,  
Огаҳийдек кучуб белин айши камолини кўринг.



## Мирзо КОМИЛ ХОРАЗМИЙ

Исми – Комил.

Тахаллуси – Хоразмий.

Нисбати – Хоразмий.

Насаби – Ниёзмухаммад Абдулла ўғли.

Кунияти – Абдулла ўғли.

Унвони – Мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Комил Хоразмийнинг таваллуд топган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива ва Хоразмда яшаб ижод қилган адибдир. Шоир, манбалар маълумотларига қараганда, 1899 йилда вафот этган. Хива мадрасаларида таълим олиб араб, форс-тожик тилларини мукаммал ўрганган. Шоҳ Муҳаммад Раҳимхон II Комил Хоразмийни маъқул кўриб, саройга чақиради ва унга аввал мирзолик вазифасини беради, кейинроқ уни девонбеги этиб тайинлайди.

Комил Хоразмий Хоразм нотаси деб аталган мусиқа аломатларини ихтиро қилган экан. Шоир адабий таржимада ҳам қалам тебратган. Комил Хоразмий умри охирида фалокатга учраб, икки кўзи кўр бўлиб қолади, шунга қарамай, адабий фаолиятини давом эттиради.

### Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Ютубон бу замонда қон фузало,  
Кулфат ўқиғадур нишон фузало.

Қалам ила китобдин ўзга  
Топмағай ёри ҳамзабон фузало.

Қатнабон сифлалар эшигига,  
Топмас ўлтурғали макон фузало.

Жухало зумраси келиб ғолиб,  
Бўлди мағлубу нотавон фузало.

Сўзни фаҳм этгали киши топмай,  
Не осиф бўлса нуктадон фузало.

Кимга кўрсатса биргина бехбуд,  
Топар ўтруда минг зиён фузало.

Жухалоға қилиб мулозимлик,  
Топмадилар емакка нон фузало.

Майи гулранг ўрниға тайёр,  
Кўзлари соғрида қон фузало.

### **Мирзо МУРАССАЪ**

Исми – Мирзо.

Тахаллуси – Мурассаъ.

Нисбати – Ҳисорий.

Унвони – мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Мурассаънинг таваллуд топган ва вафот этган йили номаълум. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда Ҳисор туманида яшаб, ижод қилган адиб. Ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар кам. Зуллисонайн шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Тазкиранавис муаллифларнинг маълумотларига биноан, унинг шеърлари содда ва равон экан.

#### **Тожикча шеърятидан намуна:**

Эй Мурассаъ, гиряву озори дилдорат макун,  
Ҳеч изҳори ғаму дарди дили зорат макун.

Назди ҳар кас шиква аз бемехрии ёрат макун,  
Селро бунёд бар девори гулзорат макун.

## Мирзо МУҚИМИЙ

Исми – Аминхўжа.  
Лақаби – Муҳаммад.  
Тахаллуси – Муқимий.  
Нисбати – Қўқандий.  
Насаби – Мирзахўжа ўғли.  
Унвони – мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий 1850 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Шоир 1903 йили Қўқон шаҳрида оламдан ўтган. Унинг отаси Мирзахўжа асли тошкентлик эди. Онаси Бибиойиша асли хўжандлик бўлиб, Сайидолим Нодиршайхнинг қизи бўлган. Зуллисонайн шоир. Шоир Муқимий бошланғич маълумотни Қўқон «Ҳоким ойм» номли мадрасасида «Хуморбиби» деб ном чиқарган онасининг қўлида олади. Кейинчалик Бухорога бориб, Бухоро мадрасаларида ҳам таълим олган. Қўқонга қайтиб, шаҳардаги қурилиш маҳкамасида мирзалик қилади.

Муқимий демократик адабий оқимнинг бошида туради. Шоирнинг лирик шеърлари, айниқса, ҳажвиёт жанрида битилган асарлари бутун бир хазинадир.

### **Шоирнинг ғазалларидан намуна:**

Ақлу хуш учти бошимдин, эй пари, девонаман,  
Бир иложи қил, эл ичра бўлмайин афсона ман.

Дарду сўзу ашку оҳимни қиёс эт шамъдин,  
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Ул замонаким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам,  
Ҳар кеча ёнингда минг йўл уйкудин уйғонаман.

Лаҳзай заҳри ғаминг ютмаққа тоқат колмади,  
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.

Хома мужгон, кўз қарсидин ёзиб рози дилим,  
Арза қилдим мен эшит, маъюсу муштоқонаман.

Оҳким, сенсиз қарору сабру оромим кетиб,  
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Навбати жомим тўла қўйғил карамдин, сокиё,  
Ҳар дамеда то қилай юз лағзиши мастонаман.

Мулки ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

**Тоҷикча шеърятидан намуна:**

**Порча аз мухаммаси Муқими бар ғазали Саққо**

Дило, шуғли ҳавас то кай, ба хун хўрдан намеарзад,  
Ба хоки тира ҳасратҳои ў бурдан намеарзад.  
Чу фардо ҳосили дунё ба як арзан намеарзад,  
Нишоти зиндағониҳо ҳамехўрдан намеарзад.  
Ҳаёти Хизр агар ёбий, ба жон кандан намеарзад.

Расад гар бар муродат жомҳо дар маснади роҳат,  
Барий аз васли хубон комҳо дар маснади роҳат.  
Гирифтам айш дори борҳо дар маснади роҳат,  
Ба иззат гар нишиний солҳо дар маснади роҳат,  
Ба хишти зери паҳлӯи лаҳад хуфтан намеарзад.

## Мирзо ДЕВОНИЙ

Исми – Муҳаммадкомил.  
Насаби – Исмойи девон ўғли.  
Тахаллуси – Девоний.  
Нисбати – Хивалик.  
Унвони – мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммадкомил Исмойил Девон ўғли 1887 йили Хивада таваллуд топиб, 1938 йилда Тошкент шаҳрида оламдан ўтган.

Мирзо Девоний Хивадаги Арабхон мадрасасида таълим олган. Форс-тожик тили ва хаттотлик санъатини яхши билган. Бир муддат Феруз саройида мирзолик вазифасини бажарган.

Шеърларида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилган.

## Мирзо ҲАЙРАТ ТЎРАҚЎРҒОНИЙ

Исми – Умрзоқ.  
Насаби – Холбой ўғли.  
Тахаллуси – Ҳайрат.  
Нисбати – Тўрақўрғоний.  
Унвони – мирзо.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Умрзоқ Холбой ўғли Ҳайрат 1845 йили Тўрақўрғонда таваллуд топган. 1915 йилда вафот этган. Шоир, хаттот. У дастлаб қишлоқ мактабида, кейин Тўрақўрғондаги мадрасада таҳсил олган. Ўзбек ва форс-тожик адабиёти тарихини кунт билан ўрганган.

Мадрасани тугатгач, Тўрақўрғон мингбошисига мирзо бўлиб ишлаган. У кўп вақтини котиблик билан ўтказиб, қишлоқ деҳқонларига ариза, мактуб, мероснома, китоб кўчириб бериш ҳисобига ҳаёт кечирган.

### Шеърятидан намуна:

Туштим, нигоро, бир турфа хола,  
Ҳажру ғамингдин ранжу малола.

Рўзу шабона оху фиғоним,  
Тўлди фалакка овози нола.

Йўқтур жаҳонда жононлар ичра,  
Сиздек парирў ширин мақола.

Афтода куллар нетсунки келмас,  
Кўз-кўзга тушмай асло хаёла.

Маҳжурликда умри кўзимдин,  
Жоридур ашким монанди жола.

Ёлғон тааззур кўрганда айтиб,  
Бермай жавобим қилган савола.

Ёраб, рақиби ношустарўлар  
Юрсин йирокдин доим мўрола.

### Мирзо ҲОДИЙ

Исми – Назриддин.

Тахаллуси – Ҳодий.

Нисбати – Самарқандий.

Унвони – мирзо.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонан.

Ҳодий – Мирзо Назриддини Самарқандий 1830 йилда, Самарқандда таваллуд топиб, 1891 йилда вафот этган. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Амир Музаффар саройида тўрт йил мирзолик вазифасида ишлаган.

Мирзо Ҳодий зуллисонан шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Ҳодий Мулло Фахриддин Рожийнинг отаси. Мирзо Ҳодий «Анворий Сухайлий»

(Калила ва Димна)ни тожик тилида назм билан ёзган. Шоир ушбу асарни ўзбек тилида ҳам назмда ёзмокчи бўлган, лекин мақсадига етмасдан оламдан ўтган экан.

### **Тожикча шеърятидан намуна:**

Баъди мурдан нишони мо сухан аст,  
Оташи корвони мо сухан аст.

Гардад аз вай чароғи мо равшан,  
Ҳадафи дудмони мо сухан аст.

З-ў шавад қадри мо магар равшан,  
Нури шамъи забони мо сухан аст.

Макун, эй гулшанам ба худ таклиф,  
Боғи мо, бўстони мо сухан аст.

Фикри маъний шудааст фикри маош,  
Чи кунам, обу нони мо сухан аст.

Пеши мо жуз ба нақди хуш маё,  
Ки матову дукони мо сухан аст.

Баҳри ёрони қадрдон, Ҳодий,  
З-ин сафар армуғони мо сухан аст.

### **Мирзо МАСЕҲО БОЙСУНИЙ**

Исми – Масеҳо.

Насаби – ибн Мунтаҳо.

Тахаллуси – Масеҳо.

Нисбати – Бойсуний; Бухорий.

Унвони – мирзо, қози.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирзо Масеҳо Бойсуний XIX асрнинг машхур зуллисонайн шоирлари ва диний арбобларидан бири бўлган. У Бойсун туманининг Назарий қишлоғида, ўша

даврнинг диний арбобларидан бири – Қози Мунтаҳо Бойсуний оиласида туғилган. Бошланғич таълимни Назарийдаги эски мактабда олган. Сўнг йигирма йил давомида Бухородаги Мири Араб ва бошқа олий мадрасаларда таҳсил кўрган. Бир муддат мударрислик қилган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, баъзи бир манбаларда, жумладан, “Фирдавс ул-икбол”да у Мирзо Масеҳо Бухорий номи билан ҳам қайд қилинган.

Мирзо Масеҳо шеърят, хаттотлик санъати, араб тили, форс-тожик, араб ва ўзбек адабиёти, фикҳ ва калом илмларида ўз замонасининг забардаст кишиларидан бўлган. Муфтийлик даражасига эришган. Отаси – Бойсун қозиси Мулло Мунтаҳо Бойсуний қўлида мирзолик ишларини бажариб, ундан тажриба орттиргач, Бойсун қозиси этиб тайинланган. Шунинг учун ҳам унинг Ўз ФА Шарқшунослик институтидаги кўлёмалар хазинасида сақланаётган “Раъно ва Зебо” номли достонининг кўлёмна нусхаларидан бирида “Қози Масеҳо ибн Қози Мунтаҳо Бойсуний” деб зикр этилган. Масеҳо Бойсунийнинг “Раъно ва Зебо” достони форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, 4250 байтдан иборатдир. Ушбу достон XVII – XVIII асрларда яшаб ижод этган туркман ёзувчиси – Мирзо Бархурдор Фароҳийнинг “Маҳфилоро” номли насрий асарида келтирилган Раъно ва Зебо ҳақидаги ҳикоя мазмуни асосида яратилган бўлса-да, шоирнинг тахайюл кучи билан кенгайтирилиб, янги мазмун ва лавҳалар билан бойитилган.

Мирзо Масеҳодан ўзбек тилида ҳам шеърӣй парчалар қолган. Унинг ўзи “Раъно ва Зебо” достонининг дебодчасида туркийда ҳам шеърлар ёзганини таъкидлаб ўтади.

### **“Раъно ва Зебо” достонидан парча (дебодчадан):**

Ба самъи жамъи арбоби камолот,  
Кунам як шамма арзи баъзе холот.



Ки бо ҳар айбу нуқсону жаҳулий,  
Ба ҳар нодонию ҳар булфузулий.

Димоғи фитратам мебуд сармаст,  
Ба гулзори сухан ҳамвора побаст.

Гаҳе мешуд ба ҳар баҳре шиновар,  
Аз он дурри ғазалҳо дар каф овар.

Гаҳе мешуд зи шамъаш партавафкан,  
Мухаммас то мусаддас то мусамман.

Гаҳе мезад ба рӯйи ҳар жарида,  
Гулобе аз гулистони қасида.

Гаҳе мекард иншо аз ҳар анвоъ,  
Рубоиёту фардиёту мисроъ.

Гаҳе мебаст нақши ҳар ҳикоят,  
Зи худ баъзею баъзе аз ривоят...

Гаҳе дар буқъаҳо таърих меғуфт,  
Дури авсофи шоҳон гоҳ месуфт.

Гаҳе мекард тазмин ҳар чи медид,  
Гули иншо зи боғи назм мечид.

Гаҳе аз форсий в-аз тукий гоҳе,  
Ба гуфтугӯй тай мекард роҳе...

Валекин ҳар кадом аз ёд мерафт,  
Мудавван ношуда барбод мерафт.

---

---

## САЙИД УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

Сайид – луғатларда қуйидаги маъноларда келган:

1. Буюк, сарвар, сардор, пешво.
2. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг авлодларидан.

Адабиётимизда Сайид лақаб, тахаллус ва унвон тариқасида ишлатилган. Ўз шажарасини пайғамбаримиз авлодларига мансуб деб билган айрим шоирлар ўзларига сайид деган унвон олганлар ва ушбу унвон билан фахрланганлар. Масалан: Сайид Неъматуллоҳ ва бошқалар.

Сайд сўзи ҳам арабча бўлиб, бахтиёр, хуштолеъ, саодатли маъноларини англатади. Сайид сўзи гоҳида одамлар исми таркибида ном тариқасида, гоҳи тахаллус, гоҳи унвон тарзида ҳам келган.

### Сайид ҲАСАН АРДАШЕР

Исми – Ҳасан.

Лақаби – Ардашер.

Тахаллуси – Ҳайрат.

Нисбати – Ҳиротий.

Унвони – мирзо

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Сайид Ҳасан Ардашер манбалар маълумотларига биноан, XV асрнинг иккинчи ярими ва XVI асрнинг биринчи яримида Ҳиротда яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида «Сайид Ҳасан Ардашер – бу фақирга ота масобасида эрди» деб ёзади. Фозил, зукко, доно, покизасиришт инсон эди.

**Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Илоҳий, нури ирфондин кўнгулга бир сафо бергил,  
Ки исён зулмати ичра хароб аҳволу хайрондур.

**Тожикча шеърятидан намуна:**

Чи хуш бошад сабуҳий бо дилором,  
Лаболаб ҳар қадаҳ ҳар дам кашидан.

Чу ғунча ҳар ду дар пирохани танг,  
Ба ҳам печидану дархам кашидан.

**Сайид ПОДШОҲХОЖА БИН  
АБДУЛВАҲҲОБХОЖА**

Исми – Подшоҳхожа.  
Насаби – бин Абдуваҳҳобхожа.  
Тахаллуси – Хожа.  
Нисбати – Ҳиротий.  
Унвони – мирзо  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Сайид Подшоҳхожа бин Абдулваҳҳобхожа Шайхалихожанинг ота бир, она бошқа инисидир. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» асарида келтиришича, Ҳиротда яшаб ижод қилган зуллисонайн шоирлардан бири. Ҳам форсийда, ҳам туркийда девонлари бор.

**Ўзбек тилидаги шеърятидан намуна:**

Кундуз авқотим сенинг ҳажрингда нолон кечадур,  
Кеча ҳам зулфунг каби ҳолим паришон кечадур.

Анбарин зулфунг хиёлидин кўзимга, эй пари,  
Йилу ойу соату кун бору яксон кечадур.

Улки жондин кечадур шоми висолингни кўруб.  
Ваҳ на хуш вақту на хуш соат, на осон кечадур.

Равшан ўлғай давлати васлида ҳижрон оқшоми,  
Гар гуноҳимдан билиб ул моҳи тобон кечадур.

Хожа янглиғ нола қил зулфи хамидин кечалар,  
Ким маҳалли нолаву фарёду афғон кечадур.

**Тожик тилидаги шеърятидан намуна:**

Ҳаргиз аз димоғи банда бўи ту нарафт,  
В – аз дидаи ман хаёли рӯи ту нарафт.  
Дар орзуи рӯи ту будам ҳама умр,  
Умрам ҳама рафту орзӯи ту нарафт.

---

---

## ХОЖА УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Хожа

«Хожа» луғатларда сардор, сарвар, соҳиб, хўжайин маъносини англатади. Ушбу сўз асосан ҳурматли одамлар, хўжалик ишларни бажарувчи шахс, ишлар мутасаддиси, иш буюрувчиларга нисбатан ишлатилган. Ўрта шарқ ва Урта Осиё халқлари орасида юқори табақдаги одамлар, яъни ҳукмрон табақгага нисбатан ишлатилган. Бу унвон сайиддан кейин турадиган лақабдир. Тасаввуфда тариқат машойихларига бераладиган унвон. Бу унвон, асосан, Юсуф Ҳамадонийдан бошлаб ишлатила бошланган: Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳрори Вали, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Ундан олдинги улуғ пирларга «шайх» унвони берилган.

### Хожа АБДУҚОДИР МАРОҒИЙ

Исми – Абдуқодир.

Насаби – бин Ғойибий ал-Ҳофиз.

Тахаллуси – Хожа Мароғий.

Нисбати – Мароғий.

Унвони – хожа.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Хожа Абдуқодир бин Ғойибий ал-Ҳофиз ал-Мароғий XIV асрнинг иккинчи яримида, Мароғи шаҳрида таваллуд топган. Ва 1434 йили Мароғи шаҳрида оламдан ўтган. Зуллисонайн шоир, созанда, хонанда, бастакор. Ҳаёти асосан жалойилар давлатида ўтган. Амир Темур уни Бағдоддан олиб келган. Шохрух Мирзо ва Халил Султон саройларида умрининг охиригача хизмат қилган. Форсий ва туркий тилларида ғазаллар ёзган.

## Хожа КАЛОНБЕК

Исми – Калонбек.  
Тахаллуси – Хожа Калонбек.  
Унвони – хожа.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Хожа Калонбек Бобуршоҳни эътиборли амирларидан бўлиб, шоҳона ҳурматга эришган шоир эди. Бобуршоҳ уни Ҳинддан Ғазни ва Кобул ҳукуматини бошқариш учун юборганлар. Зуллисонайн шоир форсий ва туркий тилларда шеърлар ёзган:

### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Етишти қосиди жонон менга дами сакарот,  
Бу чин эмишки тирик жонга бор умиди ҳаёт.

### Тоҷикча шеърятидан намуна:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,  
Сиёҳрӯй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам.

## Хожа АБДУССАЛОМ

Исми – Абдусалом.  
Тахаллуси – Хожа Абдусалом.  
Унвони – хожа.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Хожа Абдуссалом Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумотига биноан, эл орасида обрӯй топган азизлардан. Фазилатли, бир муддат вазирлик мансабида ишлаган. Хожа Абдуссалом ҳам туркий, ҳам форсий тилларда шеърлар ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Бошинга кокул қўйиб ишқ аҳлига дом айладинг,  
Йўкса, хусн асбоби деб они саранжом айладинг?

### **Тожиқча шеърятидан намуна:**

Эй камоли давлатат, аз вусмати нуксон бар,  
В – эй замири равшанат, оинаи Искандар!

### **Хожа АБДУЛВАХҲОБ**

Исми – Абдулвахҳоб.

Насаби – бин Сулаймонхожа.

Тахаллуси – Орифо.

Унвони – хожа.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Хожа Абдулвахҳоб Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққири аҳбоб» асарида келтирилган маълумотига биноан, эл орасида обрў топган-лардан. Фазилатли инсон бўлган Сулаймоннинг ўғлидир. Хожа Абдулвахҳоб зуллисонайн шоир. Туркий ва форсий тилларда кўп «Ориф» тахаллуси билан шеърлар ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Айб этма сўкуб яфроғедек титраса Ориф,  
Ким, ёр фироқи елидур боди хазоним.

---

## ҲОЖИ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Ҳожи

«Ҳожи» арабча сўз. Ҳаж сафарига бориб Каъбатуллоҳни зиёрат қилган ва ҳаж маросимини бажой келтирган кишиларга нисбатан қўлланган. Ушбу маросимни бажарган адиблар ҳам мазкур унвон билан улуғланганлар.

### Ҳожи МУҲҲИИ

Исми – Муҳаммад Ризо.

Лақаби – Охунд.

Тахаллуси – Муҳйи.

Нисбати – Қандаҳорий.

Унвони – ҳожи, Тож уш-шуаро.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммад Ризо Охунд Муҳйи 1835 йилда Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида дунёга келган, 1911 йилда Андижонда дунёдан кўз юмган. Зуллисонайн шоир. Туркий ва форсий тилларда ижод қилган. Хирот ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Андижон ҳокимининг катта ўғли Насриддинбек унга «Тож уш-шуаро» унвонини берган. У яна «Ҳожи Муҳйи» тахаллусини олган. Муҳйи асосан лирик шеърлар ёзган. Ғазалиётида Алишер Навоий, Жомий, Лутфий, Сўфи Аллоҳёр таъсири сезилиб туради.



## Ҳожи МУИН

Исми – Муин.  
Насаби – Шукрулло ўғли.  
Тахаллуси – Ҳожи Муин.  
Нисбати – Самарқандий.  
Унвони – ҳожи.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Ҳожи Муин Шукрулло ўғли 1883 йилда Самарқандда таваллуд топиб, 1942 йилда, Россиянинг Пермь шаҳрида вафот этган.

Маърифатпарвар ва зуллисонайн шоир 1901 йилда ҳаж сафаридан қайтгач, мактаб очиб, болаларни аввал эски усулда, кейин янги усулда ўқитган. «Раҳнамои савод» номи “Алифбо” ёзган. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган.

Ҳожи Муин «Хуррият», «Меҳнаткашлар ўқи», «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон», «Овози тожик» газеталарида ҳамда, «Таёқ», «Машраб», «Мушфиқий» журналларида ишлаган. «Наҳиф», «Меҳрий» тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Унинг «Гулдастан адабиёт» ва «Янги адабиёт» шеърий тўпламлари нашр этирилган.

---

---

## ҚОРИ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Қори

«Қори» арабча сўз бўлиб, ўқувчи маъносини беради. Бошқа маънода Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва қироат билан ўқийдиган киши. Яна бошқа маънода кўзи ожиз, кўр кишиларни ҳам ҳурмат юзасидан қори деб аташ одат бўлган. Қуръонни ёд билган шоирлар эса ўзларига қори унвонини олганлар.

### Қори ЗУФУНУН

Исми – Абдулмажид.

Лақаби – Зуфунун.

Тахаллуси – Хожа Зуфунун.

Нисбати – Бухорий.

Унвони – қори

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Зуфунун қори – Абдулмажид Бухорийнинг таваллуд топган йили аниқ эмас, 1903 йилда Бухорода вафот этган. Аҳмад Дониш шогирдларидан бўлган экан. Тиб илмини ҳам яхши билган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

#### Тожикча шеърятидан намуна:

Дур дор аз сар ғуруру пок аз дил кинаро,  
Жилвагоҳи хештан кун дидаи ойинаро.

Зуфунун, Фарход ҳам меканду ман ҳам меканам,  
Ў ба теша Бесутунро, ман ба нохун синаро.

---

## ҚОЗИ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Қози

«Қози» арабча сўз бўлиб, ҳакамлик қилувчи, ҳукм чиқарувчи маъноларни беради.

Дастлаб қозиларни Мухаммад пайғамбар, ундан кейин халифа Умар тайинлаган. Хулафои Рошидин даврида қозилар фақат фуқаролик ишларини кўриб чиққанлар, жиноий ишларни ҳал қилиш халифа ёки вилоят ҳокимлари ваколатига кирган. Жавобгар юксак мақом эгаси ва иқтидорли киши бўлганда унга тегишли иш мазолим қозисига топширилган. Шикоятлар билан шуғулланувчи бу идорага давлат раҳбари ёки у тайинлаган обрўли киши бошчилик қилган.

Бу мансабга асосан дин аҳкомини яхши билган, фикҳ илми ва шариат қоидалиридан мукаммал оғох бўлган шахслар тайинланганлар.

Одатда қозилар мустақил бўлиб Қозикалон (бош Қози) ва амирга итоат этардилар. Уларнинг чиқарган ҳукмларини муфтий тасдиқлаб берарди.

Ўзбек ва тожик адабиётида кўпгина адибларимиз бир муддат қозилик вазифаларини ҳам бажарганлар, бинобарон уларга қози унвони берилган.

## Қози СОЛЕХ

Исми – Солех.

Насаби – Мирмуҳаммад ўғли.

Тахаллуси – Солех қози.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – қози

Адабиётдаги ўрни – зуллисонан.

Солех Мирмуҳаммад 1455 йили Хоразмда таваллуд топиб, 1535 йилда Бухорода вафот этган. Зулисонан шоир, хаттот, муаррих. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Хоразмда таҳсилни бошлаб, Ҳиротда охирга етказган. Абдурахмон Жомийдан таълим олган. Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган.

1499 йилда Шайбонийлар саройига хизматга кирган. Бир муддат Бухорода қозилик қилган, кейин Чоржў ва Нисо шаҳарларида ҳокимлик қилган. Унинг машҳур асари «Шайбонийнома» 4000 минг байтдан иборат бўлиб, ўзбек тилида ёзилган. Унинг тожикча ғазаллари баёзларда қолган.

### **Шеърятидан намуна:**

Наям ошуфта, гар пўшид, кокул моҳи тобонаш,  
Чи ғам аз тирагии шаб, чу бошад субҳ поёнаш.

### **Ёки:**

Чанд рўзе, ки ғамат мўниси жон буд маро,  
Хотири жамъу дили шод ҳамон буд маро.

## Қози АБЎСУУДИ КУРД

Исми – Абўсууд.

Насаби – ибни Муҳаммад Инодий.

Лақаби – Курд.

Тахаллуси – Абўсууди Курд.

Нисбати – Истамбулий.

Унвони – қози.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Қози Абўсууди Курд ибн Муҳаммади Инодий 1448 йили Истамбулда таваллуд топган. 1575 йилда ўша ерда вафот этган. Форс-тожик адиби ва шоири. Бошланғич таълимни Инодда отаси олдида олган. Кейин Истамбул мадрасаларида таълим олган. Қози мартабасини олишга муяссар бўлган. У давлат ишларини бажариш қатори фикҳ, тафсир, риёзиёт, илоҳиёт ва адабиёт фанларини чуқур ўрганиб, туркий ва форсий тилларда шеърлар ҳам ёзган.

## Қози ХУМУЛИЙ

Исми – Жумъакул.

Насаби – ибни Тоғай Сўфий.

Тахаллуси – Хумулий.

Нисбати – Ургутий.

Унвони – қози.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Хумулий Ургутий 1776 йили Тожикистоннинг Панжакент туманида таваллуд топган. 1856 йилда вафот этган. Аввал Панжакентда, кейин Шаҳрисабздаги мадрасада таълим олган. Хумулий зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида асарлар ёзган. У тарихчи сифатида «Тарихи Хумулий», «Тарихи манғития», «Шайх Мўсохон Даҳбедийнинг таржимаи ҳоли» каби асарларни мерос қолдирган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Бу шубҳалиғ замонда, бешубҳа мол қайда?  
Эй подабони мискин, оши ҳалол қайда?

Мамлу ҳаромдиндур етти фалак табоғи.  
Ерда ҳаюло сўрсанг, дандон ҳилол қайда?

Исён сулукидин пир қолғил демас муридин,  
Тоат юкин чекорға зоҳидга ҳол қайда?

Кохил йигит этордин вақти намоз тоат,  
Аммо гунаҳ қилурдин қори малол қайда?

Саййидин хор қилди кизб аҳлини қароси,  
Бу юз қарорлар ичра рухсори ол қайда?

Фасли ҳасаб юшунди охирзамон элидин,  
Охунду хўжа кўптур, мулло жалол қайда?

Хум пирининг Хумулий, дайр ичра бил ғанимат,  
Масжид элинда мундоғ соҳиб камол қайда?

### **Тоҷикча шеърятидан намуна:**

Дилам аз касрати он қадду ораз меравад аз худ,  
Чу он тифле, ки аз шохи баланди мевадор афтад.

## Қози СОМИЙ

Исми – Муҳаммад.  
Насаби – Абдулазиз.  
Лақаби – Бўстоний.  
Тахаллуси – Сомий.  
Нисбати – Бухорий.  
Унвони – қози.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Сомий Муҳаммад Абдулазиз Бўстоний 1838 йили Бухорода таваллуд топган. 1908 йилда Бухорода оламдан ўтган. Бухорода таҳсил олган. Бир муддат Бухорода қозилик қилган. Кейинроқ амир Музаффар (ҳукм-ронлик даври 1860-1865) даргоҳида муншийлик вазифасини бажарган. Бухоро амири Музаффархоннинг Россияга қарши олиб борган урушларида тарихчи сифатида бевосита иштирок этган. Давлат арбоби сифатида 1884-1885 йиллар Бухоро элчилари ҳайъатида Россияга сафар қилган. Аҳмади Дониш ва Садри Зиё билан дўст бўлган. Унинг машхур асарлари: «Танзех-ул-иншо», «Тўхфаи шоҳий», «Таърихи салотини манғития» ва «Миръот ул-хаёл». Шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

## Қози МИРИЙ

Исми – Очилмурод.  
Насаби – Неъматулла ўғли.  
Тахаллуси – Мирий.  
Нисбати – Каттакўрғоний.  
Унвони – қози.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирий Очилмурод Неъматулла ўғли 1830 йилда, Каттакўрғонда таваллуд топиб, 1899 йилда ўша ерда оламдан ўтган. Каттакўрғон ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Калликўрғон мавзесида қозилик қилган (1888). Адибнинг «Қиссаи Салим Жавҳарий», «Рустам ва

Сўҳроб», «Маждиддин ва Фахруннисо» дostonлари, «Гулнома», «Чойнома» каби маснавийлари мавжуд. Фирдавсий «Шoҳнома»си ва Хусайн Воизи Кошифийнинг «Анвори Сухайлий»сини туркийда назм билан таржима қилган.

## Қоzi БЕХБУДИЙ

Исми – Маҳмудхожа.

Тахаллуси – Беҳбудий.

Нисбати – Самарқандий.

Унвони – қози.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Беҳбудий Маҳмудхожа 1875 йилда Самарқандда таваллуд топиб, 1919 йилда Қарши шаҳрида оламдан ўтган. Драматург, публицист, жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири. 18 ёшида қозихонада мирзолик қилган. Кейинчалик қози ва муфтилик даражасига кўтарилган. Беҳбудий ҳаж сафарига борганида Арабистон, Миср, Туркияни кезиб чиққан.

Беҳбудий Самарқандда Ажзий ва Шакурийлар билан биргаликда янги типдаги мактаб очган. Уфа ва Қозонга бориб, у ердаги янги мактаб усулларини кўриб келган ва уларни Самарқандда жорий этган. Янги мактаблар учун «Рисолаи асбоби савод», «Рисолаи жуғрофияи умроний», «Мунтахаби жуғрофияи умумий», «Китобат ул-атфол», «Амалиёти ислом», «Тарихи ислом» каби дарсликларни нашр эттирган. Зуллисонайн адиб.



## Қози РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ

Исми – Хўжажон.  
Насаби – ибни Рожий.  
Лақаби – Тоҳир.  
Тахаллуси – Рожий.  
Нисбати – Марғилоний.  
Унвони – қози.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Хўжажон Рожий – Тоҳир 1834 йили Марғилонда, сувоқчи оиласида таваллуд топган. Мадрасани тамомлагач, жуда хушхат, яхши савод эгаси бўлгани учун, қозихонада котиблик ишларини олиб борувчи мирзолик вазифасига тайинланган. Рожий 33 ёшигача шу ишда ишлаб, кейинчалик қози лавозимида ишлаган. Шоир Рожийнинг лирикаси ҳам, ҳажвий асарлари ҳам бадиий таъсирчанлиги, пишиқлиги билан ажралиб туради. У ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

### **Тожикча шеърятидан намуна:**

...Дар кишвари хусн аст туро ҳукмравойй,  
Гирд омада хубон ба дарат меҳрғадойй,  
Эй чашми ту сарфитнаи туркони Хитойй,  
Гар сайдқунон новаки мижгон бикүшойй,  
Чашми ту гирифтор кунад охуи Чинро.

Қавме, ки зи ишқи ту бирастанд, фиғоне,  
Зўҳду варъау тавба шикастанд, фиғоне,  
Рожийсифат аз ишқи ту мастанд, фиғоне,  
Жамъе маху хуршедпарастанд, фиғоне,  
Он моҳи паричеҳраи хуршеджабинро.

## Қози ҒОЗИЙ

Исми – Муҳаммад.  
Тахаллуси – Ғозий.  
Нисбати – Қўқандий.  
Унвони – қози.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммадғозий 1818 йилда Қўқонда таваллуд топиб, Қўқонда вафот этган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Қўқондаги Мадрасаи Мирда мударрислик қилган. Кейинчалик Қўқонда қози вазифасида ишлаган. Акмал Хуқандийнинг яқин дўсти бўлган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Ғозийнинг тўрт кўлөзма девони бизгача етиб келган.

## МАВЛОНО УНВОНЛИ ЗУЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Мавлоно (МАВЛАВИЙ)

«Мавлоно» (Мавлавий) сўзи арабча бўлиб, «мавло» сўзидан келиб чиқиб, молик, хожа, соҳиб, эга, сарвар маъноларини англатади. Араб тилида мавлавий (менинг холам) ва мавлоно (бизнинг холамиз) маъноларни беради.

Мавлоно мусулмон Шаркида лақаб, ёхуд фахрий унвон тариқасида буюк одамларга берилган. Бу одат X асрдан бошлаб ўз замонаси илмларини чуқур ўрганган одамларга берилган. XII-XIV асрларга келиб тариқат пешволарига, фақиҳлар, муфассирлар, адиблар, воизлар ва меъморларга хурмат тариқасида берилган.

XV-XVI асрларга келиб «жаноб» маъносида ишлатилган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий, Али Сафий, Восифий, Хондамир, Соммирзо Сафавий, Нисорий ва бошқалар ўз асарларида кўпгина адибларни бу унвон билан тилга олганлар.

### Мавлоно ЛУТФИЙ

Исми – Лутфиддин.

Тахаллуси – Лутфий.

Нисбати – Ҳиротий.

Унвони – мавлоно.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Лутфий ўзбек адабиёти тарихида – ғазал жанрининг энг улуғ намояндаларидан биридир. Шоирнинг таваллуд топган ва вафот қилган йили номаълум. Манбалар маълумотларига биноан, XIV асрда Ҳиротда яшаб ижод этган. Лутфий ёшлигидан бошлаб, ўз замонасининг илмларини, хусусан тожик-форс ва араб адабиётини чуқур ўргана бошлаган.

Шоир Улуғбек билан дўст бўлган. Лутфий бир муддат саёҳатга чиқиб Олтин Ўрдага боради ва Қрим, Қорабоғ, Озарбойжонга сафар қилади. Алишер Навоий ўз асари «Мажолис ун-нафоис»да Лутфий ҳақида бундай ёзади: «Мавлоно Лутфий ўз замонининг маликул-каломи эрди; форсий ва туркийда назирини йўқ эрди; туркийда шухрати кўпроқ эрди». Шоирдан бизга «Гул ва Наврўз» деган асар мерос қолган.

### **Ўзбекча шеърятдан намуна:**

Сенсен севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,  
Охи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки қилич келса бошимга эшикиндин,  
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзунг ашколина ҳар гаҳ назар этсам,  
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз,  
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла,  
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурда,  
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

## Мавлоно ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ

Исми – Ҳайдар.

Тахаллуси – Ҳайдар Хоразмий.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – мавлоно.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Ҳайдар Хоразмий XIV асрнинг иккинчи ярими ва XV асрнинг биринчи яримида Хоразмда туғилиб, яшаб, ижод қилган адиблардан. Хоразмий турикийгўй адиблардан бўлиб, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саккокий, Атоий, Амирий, Гадоий, Лутфий каби сўз санъаткорлари сингари ўзбек дунёвий адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган адибдир. Унинг «Гулшан ул-асрор» фалсафий дидактик достони машхур.

Давлатшоҳи Самаркандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» асарида Хоразмий ҳақида шундай ёзади: «Султон Искандар даврида... Мавлоно Ҳайдар каби фозил кишилар бўлган экан. Мавлоно Ҳайдарнинг форсий ва туркийда битилган нафис ва гўзал ашъорлари мавжуд. Шу билан бирга у Шайх Низомий «Маҳзан»ига туркий тилда жавоб айтган».

**Ўзбекча шеърятдан намуна:**

### «Гулшан ул-асрор» дан

Умр чу қатъ этти адам манзили,  
Сўзга рақам урди қаламнинг тили.

Сўз гуҳари билгучи саррофи роз,  
Бўлди билиг нагъида мансуби боз.

Жилва қилиб сўз насақи ичра завқ,  
Шавқу талаб бўйни уза солди тавқ.

Ишқ бу ҳангомада урди нидо,  
Ғайбу шаҳодатқа ёйилди садо.

Илму маҳал тобтию, қилди зухур,  
Шуъла уриб партавидин солди нур.

Қут ичида неким эрди ниҳон,  
Барча бу қудрат била бўлди аён.

Солди адад сояи такрорини,  
Сифрға топшурди ўз изхорини.

Бўлди адад сифр ўти ломии,  
Сифр бўлиб жиғр эвининг жомии.

Нукта билан нукта топиб имтизож  
Қўйди алиф фарқина шоҳона тож.

Тушгач алиф қоматининг сояси,  
Топти ҳам ул сояни ҳамсояси.

### Мавлоно МАЖЛИСИЙ

Тахаллуси – Мажлисий.

Нисбати – Хоразмий.

Унвони – мавлоно.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Мажлисийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Манбалар маълумотларига биноан, XVI асрнинг биринчи яримида Хоразмда яшаб ижод қилган. Ҳасанхўжа Нисорий ўз тазкираси «Музаккири ахбоб»да бундай ёзади: «Мавлоно Мажлисий хушсухбат, мажлисларни қизитувчи киши эди, кўп яхши шеърлари ва сўзлари бордир. Унинг қасидалари латиф ва гўзалдир». Мажлисийнинг шеърлари Заҳириддин Бобурга ҳам маъқул бўлган. Мажлисийдан биргина мерос қолган асари «Қиссаи Сайфулмулк»дир.

**Тожикча шеърятидан намуна:**

Ҳар замон гарде зи кӯи дӯст сар бар мекунад,  
То кадом афтода он жо хок бар сар мекунад.

**Мавлоно ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙ**

Исми – Ҳусайн.  
Лақаби – Хожа.  
Тахаллуси – Ҳусайн Хоразмий.  
Нисбати – Хоразмий.  
Унвони – мавлоно.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Ҳусайн Хоразмий – Хожа Абулвафонинг шогирди. Таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан Хоразмда XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллисонайн шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Тасаввуф илмида ҳам забардаст бўлган.

**Тожикча шеърятидан намуна:**

Эй дар ҳамаи олам пинҳон туву пайдо ту,  
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудо во ту.

**Мавлоно ҚУТБИЙ**

Тахаллуси – Қутбий.  
Унвони – мавлоно.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Қутбий, Султон Масъуд Мирзо мулозимининг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Ғунча гар нисбат қилур ўзига дилдор оғзини,  
Эй, сабо ели, тўла қон айла зинҳор оғзини.

### **Мавлоно ТАРХОНИЙ**

Тахаллуси – Тархоний.

Унвони – мавлоно.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Тархонийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган экан. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Тожикча шеърятидан намуна:**

Эй зи мушкин турраат бар ҳар диле банди дигар,  
Риштаи жонро ба ҳар мӯи ту пайванди дигар.

### **Ўзбек шеърятидан намуна:**

Тушгали банд ичра бўлдум ул пари девонаси,  
Кўк саро фонусдур ул шамъу мен парвонаси.

### **Мавлоно ЯҚИНИЙ**

Тахаллуси – Яқиний,

Унвони – мавлоно,

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Яқинийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан XIV-XV асрларда яшаб, икки тилда ижод қилган экан.



### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,  
Сендин ўзга вужудда не вужуд.

### **Мавлоно МУҚИМИЙ**

Нисбати – Ҳиротий.

Унвони – мавлоно.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Муқимий Ҳирот шаҳрида яшаган. Дарвешмашраб киши бўлган. Тасаввуфдан ҳам хабардор бўлган. Муқимийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Оҳким, жонимга еттим ёри нодон илгидин,  
Доду фарёд ул жафочи офати жон илгидин,

### **Мавлоно БИЛОЛ**

Исми – Билолиддин.

Тахаллуси – Билол.

Унвони – мавлоно.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Билолнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган экан. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Жону кўнглумни жафо ўти била куйдурдингиз,  
Ўйлаким кул бўлдуму мендин кўнгул тиндурдингиз.

### **Мавлоно ОСАФИЙ**

Тахаллуси – Осафий.  
Унвони – мавлоно.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Осафийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар битган.

### **Тожикча шеърятидан намуна:**

Нарехт дурди май мухтасиб зи дайр гузашт,  
Расида буд балое, вале ба хайр гузашт.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Юз балолар кўрдум, ул ороми жондин кўрмадим,  
Икки кўзимдин ёмонлик кўрдум, ондин кўрмадим.

### **Мавлоно ШАВҚИЙ**

Тахаллуси – Шавқий.  
Унвони – мавлоно.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Шавқийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV-XV асрларда таваллуд топиб, яшаб ижод қилган адибдир. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Бориб овора кўнглум зулфинг ичра мубтало қолди,  
Тараҳхум қилки, мендин борди-ю, эмди санга қолди.

### **Тоҷикча шеърятидан намуна:**

Бо ғайр дидамат ба сухан, кушт он маро,  
Лабро чу бастий аз сухан, осуд жон маро.

### **Мавлоно ЗИЁ**

Исми – Зиёуддин.  
Тахаллуси – Зиё.  
Нисбати – Табризий.  
Унвони – мавлоно.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мавлоно Зиё Табриз шаҳрида яшаган. Унинг таваллуд топан ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган адибдир. Зуллисонайн шоир. Тоҷик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Эй дардқашлар, бодадин холи бўлуптур юртингиз,  
Нотутқали ғамхонадин баргўшасиз, баргўшабиз.

### **Тоҷикча шеърятидан намуна:**

Ажаб набвад агар парвона имшаб тарки жон карда,  
Ки бинад нахли умри шамъ бунёди хазон карда.

## Мавлоно ФАЗОИЙ

Исми – Шерали.  
Насаби – ибни Бақоий.  
Тахаллуси – Фазоий.  
Нисбати – Хиротий.  
Унвони – мавлоно.  
Адабиётдаги ўрни – зулписонайн.

Навоийнинг ёзишича, Мавлоно Фазоий Мавлоно Бақоийнинг ўғлидир. Мавлоно Фазоий ҳам форсий ҳам туркий тилларида шеърлар ёзган.

### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Юз шукрки, ҳар беғам ила ҳамдам эмасмен,  
Ишқинг ғамидин шодману беғам эмасмен.

Тангри ки мени айлади масжуди малойик,  
Бу қадрни гар англамасам, одам эмасмен.

Ўзимни жунун силсиласидан десам, ул йўқ,  
В – аз аҳли хираддин санасам, ул ҳам эмасмен.

Дайр ичра мени пири муғон айлади маҳрам,  
Зоҳид каби ул базмда номаҳрам эмасмен.

Мажнунча менинг телбалигим бор, Боқий,  
Ортуқроқ агар бўлмаса, ондин кам эмасмен.

### Тоҷикча шеърятидан намуна:

Маскан шуда кўчаи маломат моро,  
Раҳ нест ба водии саломат моро.

Дарвешонем, тарки олам карда,  
Ин аст тариқ то қиёмат моро.

## МУЛЛО УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Мулло

«Мулло» сўзи луғатларда қуйидаги маъноларда келади:

1. Дин олими, мадраса домулласи.

2. Кўп билувчи, олим, имло этувчи.

«Мулло» сўзи мавлоно сўздан сарчашма олган. XVII-XIX асрларга келиб мавлоно унвони истеъмолдан чиқиб, унинг ўрнига «Мулло» сўзи пайдо бўлган. Мулло сўзи мавло сўзининг бўзилган шаклидир.

Мулло унвони шариат аҳкомидан хабари бор бўлган, Қуръонни ўқиган ва жамиятда ҳурмату эҳтиромга эга бўлган кишиларга берилган.

### Мулло МУСО САЙРАМИЙ

Исми – Мусо.

Насаби – ибни Мулло Исохожа.

Тахаллуси – Мусо Сайракий.

Нисбати – Сайракий.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Мусо ибн Мулло Исохожа Сайракий 1836 йили Шарқий Туркистоннинг Сайрам туманида туғилган. Шоир 1917 йилда Туркистонда оламдан ўтган. Тарихчи, давлат арбоби, мударрис, адиб ва шоир уйғур олими Мулла Усмон Охунддан Қуръон, ҳадис, тарих, адабиёт, илми нужум, араб ва форс тилларини ўрганган. Шоир Мулла Мусо, Бола Мулла, Сайракий тахаллуслари билан шеър ёза бошлаган. Адибдан бизга «Тазкират ул – авлиё, фи муфтоҳ ул – имон», «Дар баён ул – асҳоб ул – Каҳф», «Тарихи Аминия», «Девони маснавий» каби тарихий асарлар мерос қолган.

## Мулло МАЪДАН

Исми – Одинамухаммад.  
Тахаллуси – Маъдан.  
Нисбати – Понғозий.  
Насаби – ибни Авазмухаммад.  
Унвони – мулло.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Одинамухаммад Маъдан Понғозий 1762 йили Суғд вилоятининг Ашт туманидаги Понғоз деган қишлоғида таваллуд топган. Фазлий Намангоний бу ҳақда шундай ёзган:

Чу Маъдан ба гавҳаргарозий бувад,  
Ки аз мавзеи Панжғозий бувад.

Унинг отаси Авазмухаммад ҳам саводли киши бўлиб, ўғлининг савод чиқаришига ёрдам берган. Маъдан саводини ўз қишлоғида чиқариб, кейин Пунукга бориб Муҳаммадамани Косонийдан таълим олган.

Маъдан зуллисонай шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Бода тут, сокий, раҳи майхона кўргузгил манга,  
Барқи истиғнойи ишрат ёна кўргузгил манга.

Чархдин ком истамак эрмас бани одамга курб,  
Мутгакойи ишқдин афсона кўргузгил манга.

Водийи ҳижрона чеккан ранждин ўлмам малул,  
Сухбати чуғз истарам, вайрона кўргузгил манга.

То нузул ўлдум, қадахдин дайр аро бўлдум хумор,  
Соқиё, раҳм айлагил, паймона кўргузгил манга.

Қатраи ашкимни тўфони жунунсоз айлагил,  
Маърифат дарёсидин дурдона кўргузгил манга.

Шоми ҳижрон узра кўнглум зоҳири эрмиш хомуш,  
Шохсори субҳдин уйғона кўргузгил манга.

Ҳар қачон базм аҳлидин қатъи тааллуқ айларам,  
Бори ғамдин соғари риндона кўргузгил манга.

Ишқдур, Маъдан, рафиқим вақти ғам туғёнида,  
Пайкарим урёни ғам парвона кўргузгил манга.

### **Тожикча шеърятидан намуна:**

Омад шабе дар кулбаам, гуфтам ҳазорон мархабо,  
Чидам ғубори мақдамаш, бар дида кардам тўтиё.

Шамъе зи оҳ афрўхтам, парвонаосо сўхтам,  
Бар анжуман омўхтам таъдили аркони вафо.

Бунёди ҳастий то адам кардам нисори ҳар қадам,  
Ин ҳар ду гетиро ба ҳам судам ба санги осие.

Ҳар жо нишастам, сўхтам, бо дарду ғам пардохтам,  
Худро магар нашнохтам, аз шеваи нашъунамо.

Маҳфилфароз аз ҳайратам, восўхт доғи кулфатам,  
Базми чароғи зулматам, чун субҳи козиб безиё.

Хусне, ки дар Мисри тараб овоза дорад бар лақаб,  
Омад ба бозори талаб нақди ду олам дар бақо.

Маъдан, арўси табъи ман дорад паси оина тан,  
Вақти тақозои суҳан рў баркушояд аз қафо.

## Мулло АКМАЛ

Исми – Акмал.

Лақаби – Шермухаммад.

Тахаллуси – Акмал.

Нисбати – Хўқандий.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Акмал Хўқандий – Мулло Шермухаммад XVIII асрнинг биринчи яримида Хўқандда таваллуд топиб, тахминан 1810 йили Фарғонада вафот этган. Ўзбек шоири Махмурнинг отаси. Қўқондаги мадрасаи Мирда мударрислик қилган. Зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. «Баёзи Муҳалло», «Армуғони хислат»га кирган асарлари бизгача етиб келган.

## Мулло ШАВҚИЙ

Исми – Шамси.

Насаби – Мулло Ҳусайн ўғли.

Тахаллуси – Шавқий.

Нисбати – Тўрақўрғоний.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Шамси Мулло Ҳусайн ўғли 1805 йили Тўрақўрғонда таваллуд топиб, 1889 йили ўша ерда оламдан ўтган. Зуллисонайн шоир. Шоирнинг «Девон»и ўзбек ва тожик тилларидаги шеърларидан таркиб топган. Унинг «Паришонлар», «Зебо», «Ишқ сайли» каби шеърлари машҳурдир. Шоирнинг «Жомеъ ул-ҳаводис», «Пандномаи Худоёрхон» каби дос-тонлари ҳам бор.



### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Давлат тиласанг, ҳақдин адаб риштасин ушла,  
давлат анга пайванд,

Ҳеч зийнат эмас сурати зебоға адабча,  
тарк айлама зинҳор.  
Аҳдингни бузуб қавлингга ёлғон сухан олма,  
хурмат талаб эрсанг,  
Бўлмас бу икков аҳли малоҳат зарифиға,  
албатта сазовор,  
Гар Шавқий сўзи келса малол сенга, аё маҳ,  
мазмунида сўз бор.

### **Мулло ХИЛВАТИЙ**

Исми – Йўлдош,  
Тахаллуси – Тўрабой ўғли,  
Нисбати – Хилватий,  
Унвони – мулло,  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий 1858 йили Наманганда таваллуд топган. Хилватий зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Ўзидан кўпгина асарлар қолдирган. Энг машҳур асари «Мавлуди наби» дир. Тожик тилидаги машҳур асари «Қасидаи илм» деб номланган.

Шоир 1921 йилда Наманганда вафот этган.

### **Тожикча шеърятидан намуна:**

#### **«Қасидаи илмий»дан парча**

Зиҳий, шамсуззуҳо, бадруддужо илм,  
Чароғи базмгоҳи ду саро илм.

Кунад хуршед охир зарраеро,  
Расонад хокро то бар само илм.

Агарчи аҳли дониш мушти хоканд,  
Барад шонро ба авжи кибриё илм.

Зи хас гул бишкуфонад, метарошад,  
Зи хоро гавҳари қимматбаҳо илм.

Барад дар садри мажлис, дар мажолис,  
Кунад касро ба мардум пешво илм.

Сафолеро ба чиннигий расонад,  
Кунад кўхлулжавоҳир хокро илм.

Кунад ҳар ношиносро шиносо,  
Кунад бегонагонро ошно илм.

Агар шаклат қабеху нохуш афтод,  
Намояд дар назарҳо дилрабо илм.

Гадоеро зи рӯи рутба созад,  
Ба олам хусраву кишваркушо илм.

Зи иллатҳои руҳоний раҳонад,  
Зиҳий, фараҳфизо, хубушшифо илм,

Хирадманду фақиру бенаворо,  
Бубахшад жо ба фарқи ағниё илм.

## Мулло ВАСЛИЙ

Исми – Саидахмад.  
Тахаллуси – Васлий.  
Нисбати – Самарқандий  
Унвони – мулло.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Саидахмад 1869 йили Самарқандда таваллуд топиб, 1925 йили Самарқандда вафот этган.

Мулло Васлий Самарқанд, Бухоро, Тошкент мадрасаларида таҳсил олган. Бухорода мударрислик қилган. Зуллисонайн шоир, асарларини тожик ва ўзбек тилларида ёзган. Унинг асарлари – «Арму-ғони дўстон» ва «Тўхфат ул-аҳбоб» номли девонларда нашр этилган.

### Тожикча шеърятидан намуна:

Абири кокулат ночиз созад накҳати гулро,  
Парешон мекунад фикри ту иқлими тааммулро.

Рухат ойинадори ҳайрати чашми асирон аст,  
Диҳад ошуфтагий зулфи сиёҳат набзи сунбулро.

Қиёмат аз қиёми қоматат дар даҳр бархезад,  
Ғиреви ошиқон барҳам занад афғони булбулро.

Нигоро, раҳм кун, бинмо, висоли хеш бар Васлий,  
Дуо созам набинад ранақи ҳуснат таназзулро.

## Мулло АФҚАР

Исми – Муҳаммадхожа.

Тахаллуси – Афқар.

Нисбати – Бухорий.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Муҳаммадхожа Афқар Бухорийнинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари аниқ эмас. Маълумотларга биноан, XIX асрнинг иккинчи яримида ва XX асрнинг биринчи яримида Бухорода яшаган.

Афқар Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. «Хамса ашара» номли маснавий яратган.

### Тожикча шеърятидан намуна:

Қомати хубе, ки сарви жўйбори раҳмат аст,  
Нозуқиҳои хиромаш бурду бори раҳмат аст.

Муждаи мастон зи жоми журми навмедий хатост,  
Саркаший шахсе гунахро зулфиқори раҳмат аст.

Сарфарози ду жаҳонам аз хама абрўи ту,  
К-он шаҳи кавнайн соҳибихтиёри раҳмат аст.

Гарчи Афқар нестам шоистаи кор охират,  
Чашми хунборам сафед аз интизори раҳмат аст.

## Мулло ҲАЙРАТИЙ

Исми – Ҳошим.

Лақаби – Сиддиқ.

Тахаллуси – Ҳайратий.

Нисбати – Солиҳ ўғли.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Ҳошим Сиддиқ Солиҳ ўғли Ҳайратий 1870 йилда Шаҳри-хонда таваллуд топган. 1963 йили Янгийўлда вафот этган. Ёшлигидан уни мактабдорлик қилувчи амакиси Мулло Жалил ўз тарбиясига олиб, унга хатту савод ўргатган. Ўзбек ва форс-тожик классикларининг асарларини кунт билан ўрганган. Оразий ва Ҳайратий билан яқиндан таниш бўлган.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Ишқ савдосида доим масканим майхоналар,  
Бир пучак пулга сотарман масжиду бутхоналар.

Мохрўйлар юзлари гулдек очилган то сахар,  
Базм аро даврон этар оку кизил паймоналар.

Масканим майхона бўлди, улфатим махмурлар,  
Саждагоҳим тоқи абрўи пари жононалар.

Бир пиёла май қилур ғам хонасини тор-мор,  
Юмшатиб мойил қилур, бўлса дили сандоналар.

Аҳраманлардан батарроғдан безорман,  
Юргизар эл ўртасида асли йўқ афсоналар.

Ҳайрато, бир йўқлабон келса нигорим олдима,  
Хўп тўйиб хусниға қонгайди дили сўзоналар.

## Мулло ҒАРИБИЙ

Исми – Умрзоқ.

Насаби – Абдували ўғли.

Тахаллуси – Ғарибий.

Нисбаги – Фарғоний.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Асл исми Мулло Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий 1887 йили Фарғона шаҳрида таваллуд топиб, 1981 йилда Фарғонада вафот этган. Хувайдо шажарасидан. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Хиротлик Ислоом шайх муршиди тариқатида бўлган. Ота касби гилкорлик бўлган экан. Ғарибий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган адибдир. Шоир «Ғарибий», «Мухбир», «Шухрат» тахаллуслари билан ижод қилган. Шоирнинг «Девон»и, «Баёз»и, шеърӣ тўпламларининг қўлёзмалари бизгача етиб келган.

## Мулло ИСОМИДДИН

Номи – Исомиддин.

Насаби – Шарофиддинов.

Лақаби – Табиб.

Тахаллуси – Ором.

Нисбаги – Понғозий.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Исомиддин 1910 йили ҳозирги Суғд вилоятининг Ашт туманидаги Понғоз қишлоғида Мулло Шарофиддин оиласида таваллуд топиб, 1977 йили ўз қишлоғида оламдан ўтган. Дастлабки маълумотни Понғоздаги рус-тузем мактабида олган. Тошкентдаги Ўрта Осиё институтининг тарих ва география факультетини битирган. Бутун иш фаолияти маориф соҳасида ўтган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Унинг «Меҳррезахои Ором» ва «Фараҳангез» номли шеърӣлар тўпламлари

нашр этилган.

**Тожикча шеърятидан намуна:**

**Эй ёри гуландом**

Эй ёри гуландом, меҳре бар холи ту бастам,  
Ин риштаи дил бар зулфи парешони ту бастам.

Эй қомати дилжӯи камол, чун сарви гулистон,  
Тӯмори сахар ғунчаи гул, бар тори ту бастам.

Бар хусну жамол волаю шайдо шудаам ман,  
Ду чашми рухам бар рӯи сумансои ту бастам.

Сад лолаю зӯхро шуда мафтун ба жамолат,  
Занжири гуҳарсанжи дилам, бар пой ту бастам.

Аз бўи гулат масту жунунам дар боғи висолат,  
Бар лавҳи дилам, меҳри ту, ҳам фармони ту бастам.

Ороми вафодор, дар пардаи роз маҳрами розат,  
Бо завқи дилам хизмат камари паймони ту бастам.

**Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Зар бўлиб, заргар кидиргил, товланиб кимёга ет,  
Сув бўлиб, тўлқин уриб, сарбанд ошиб, дарёга ет.

Эл учун хизматда бўлгил, ҳар нафас поку ҳалол,  
Илму ирфон бобидан, таълим олиб донога ет.

Асли билсанг боадабликдан топур инсон камол,  
Боадаб бўл, боадаб бўл, мансаби аълоға ет.

Мард бўлиб, жавлон уриб, чўлларни бўстон айлағил,  
Чин муҳаббат айлаб изҳор, маъшуқи барнога ет.

Бу ҳаёт бўстонида булбул бўлиб кўнглингни оч,  
Ишқ-вафо майдонида энг сарбаланд маъвога ет.

Гар висол истар эсанг, Ором, париваш васлидин,  
Куйлабон меҳнат элини булбули шайдога ет.

### Мулло АЗИЗИЙ

Исми – Абдулазиз.

Тахаллуси – Азизий.

Нисбати – Ургутий.

Унвони – мулло.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мулло Абдулазиз Азизийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Маълумотларга биноан, XIX асрнинг иккинчи яримида Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

#### Тожикча шеърятдан намуна:

Ёди он рўзе, ки бо ҳам рўзгоре доштем,  
Шаҳриёри шаҳри худ будему ёре доштем.

Тирабахтиҳои ман безътиборам кардааст,  
Варна мо ҳам назди мардум эътиборе доштем.

Мову Мажнун хоназоди ишқ будем аз азал,  
Домани даштеву тарфи кўхсоре доштем.

Ихтиёри мо ба дасти мо набуд имшаб магар,  
Ҳой-ҳойю гиряи беихтиёре доштем.

Аз фиреби ў, Азизий, гиряҳо кардем мо,  
То дили пурхуну чашми ашкборе доштем.



---

---

## ОЛИМ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### Ботурхон ВАЛИХЎЖАЕВ

Исми – Ботурхон,  
Насаби – Валихўжаев,  
Нисбати – Самарқандий,  
Унвони – олим,  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби – 1982.  
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академики –  
2000.

Филология фанлари доктори – 1970, профессор  
–1971.

Ботурхон Валихожаев 1932 йили Самарқандда  
таваллуд топган. 2007 йили Самарқандда вафот этган.

Самарқанд Давлат университетининг филология  
факультетини битирган. Самарқанд Давлат универси-  
тетининг проректори – 1990 йилдан.

Адибнинг илмий ишлари адабиёт тарихи, адабиёт-  
шунослик, адабий алоқалар, тасаввуф ва унинг  
намояндалари, Самарқанд адабий ва илмий муҳити  
тарихи, Ибн Сино, Низомий, Жомий, Навоий каби  
олим ва мумтоз шоирларнинг ижодига бағишланган.  
«Ўзбекистон адабий-танқидий қарашлари тарихидан»,  
«Ўзбек эпик поэзияси тарихидан», «Навоий ижоди  
– илҳом манбаи», «Хожа Аҳрор тарихи» каби илмий  
асарлар муаллифидир. Асарлари Россия, Эрон,  
Афғонистон, Туркия, Тожикистонда чоп этилган. Икки  
тилда ижод қилган.

## Нажмиддин КОМИЛОВ

Исми – Нажмиддин.

Насаби – Комилов.

Унвони – олим.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Нажмиддин Комилов 1937 йили Тожикистоннинг Панжакент шаҳрида туғилган. 2012 йилда Тошкентда вафот этган Адабиётшунос олим. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини битирган. Филология фанлари доктори – 1975, профессор – 1991. Ўзбек совет энциклопедияси бош таҳририятида катта муҳаррир – 1970-71. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида маслаҳатчи – 1994-95. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурулиши Академиясининг илмий ишлар бўйича проректори – 1995-1992. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси – 1999-2001.

Нажмиддин Комилов дастлаб таржима назарияси ва қиёсий адабиётшунослик, адабиёт тарихининг назарий масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Матншунослик ва адабий жанрлар тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ўрганди. Кейинги йилларда унинг илмий фаолияти тасаввуф тарихи, асосий йўналишлари, тариқат, ҳақиқат тушунчаларига қаратилди. Шу йўналишда у Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Азиддин Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари моҳиятини очиб берди. Агторнинг «Илоҳийнома», Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-хақойик» ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Тасаввуф адабиётига оид бир қатор қимматли тадқиқотлар яратди. Айниқса, олимнинг йирик “Тасаввуф” асари машҳурдир.

## Ҳасан ҚУДРАТУЛЛОЕВ

Исми – Ҳасан.  
Насаби – Қудратуллоев.  
Нисбати – Самарқандий.  
Унвони – олим.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Ҳасан Қудратуллоев 1941 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Мактабни битиргандан сўнг Самарқанд Давлат университетининг тожик филологиясини битирган. Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор. Бобуршунос олим. Давлат ва жамоат арбоби. Бир муддат Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида маслаҳатчи вазифасида ишлаган. 1996-2003 йиллари Ангрендаги Тошкент Давлат педагогика институти ректори лавозимида ишлаган. Бобур ҳаёти, ижоди ва қарашлари ҳақида бир қатор тадқиқотлар яратган. Жумладан, «Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари», «Бобур армони» ва «Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси» номли монографиялари нашрдан чиққан. Икки тилда ижод қилади.

## Қутбиддин МУҲИДДИНОВ

Исми – Қутбиддин.  
Насаби – Муҳиддинов.  
Тахаллуси – Ором.  
Нисбати – Самарқандий.  
Унвони – олим.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Қутбиддин Муҳиддинов 1906 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топган. 1983 йилда вафот этган. Матншунос, манбашунос, луғатшунос олим. Филология фанлари номзоди – 1972. То-жикистон Фанлар Академисининг Тил ва адабиёт ҳамда Шарқшунослик институтларида катта илмий

ходим бўлиб ишлаган.

Қутбиддин Муҳиддинов С.Саройи, Хўжандий асарларининг замонавий имлода нашр этилишига, Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатини тузиш, изоҳлаш ва ундаги араб, форсча-тожикча сўзларни, мураккаб байтларни шаҳрлашга катта ҳисса қўшган. Маҳдихоннинг туркийча-форсча «Санглох» луғати устида иш олиб борган.

Икки тилда шерлар ёзган.

## **Жаъфар МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ**

Исми – Жаъфар.

Насаби – Холмўминов.

Тахаллуси – Жаъфар Муҳаммад.

Нисбати – Термизий.

Унвони – олим.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Зуллисонайн шоир ва шарқшунос-диншунос олим Жаъфар Муҳаммад Термизий (Жаъфар Холмўминов) 1968 йилнинг 20 сентябрида, Сурхондарё вилоятининг Шеробод (ҳозирги Музработ тумани ҳудудига қарашли) туманида туғилди. Урта маълумотни 1975-85 йиллар орасида Музработ ва Бойсун туманларида олди. 1993 йилда Тожикистон Давлат университети филология факультети форс-тожик классик адабиёти бўлимини тугатди. 1993-1998 йилларда Сурхондарё вилояти Телерадиокомпаниясида катта муҳаррир, Сурхондарё вилояти Касаба уюшмалари кенгашида маслаҳатчи, Термиз Давлат университети ўзбек филологияси факультетида катта ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатди.

Жаъфар Муҳаммад 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси аспирантурасига кириб, йирик адабиётшунос ва тасаввуфшунос олим, профессор Нажмиддин Комилов илмий раҳбарлиги

остида «Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари («Шарҳи рубоийёт» асари асосида)» мавзусидаги диссертацияси устида ишлаб, 2004 йилда Тошкент ислом университети қошидаги Шарқшунослик фанларига ихтисослашган кенгашда ушбу илмий ишни ҳимоя қилди ва фалсафа фанлари (диншунослик) номзоди илмий даражасини олди.

2006-2008 йиллар давомида Тошкент Давлат шарқшунослик институтида шарқ фалсафаси, дин фалсафаси ва тасавуф фанларидан дарс берди.

Ж. Муҳаммад айна пайтда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида дарс беради.

Шу кунгача Жаъфар Муҳаммаднинг «Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти» номли монографияси (Тошкент, 2008), ҳаммуаллифликда нашр этилган бир қатор рисолалари, ҳамда форс-тожик адабиёти, диншунослик ва ирфон фалсафасига оид юздан ортик илмий мақолалари, тожик тилидаги «Чашми борон» [Ёмғирнинг нигоҳи] (Термиз, 1997), «Мижғони офтоб» [Куёш киприклари] (Душанбе, 1999), «Тулуъи сабзи ранг», [Рангнинг яшил чиқиши] (Тошкент, 2003), «Тажаллий» (Тошкент, 2008), «Ошиқи ишқ» (Тошкент, 2011), Ўзбек тилидаги «Кўзгу ҳайрати» (Тошкент, 2010), форс тилидаги «Ҳануз ишқ» (Техрон, 2011) номли шеърӣ тўпламлари ва китоблари нашр этилган. Унинг шеърларидан намуналар Ўзбекистон ва хорижда нашр этилган йигирмага яқин тазкира ва баёзлардан жой олган.

Жаъфар Муҳаммад ҳозирги замон ўзбек шеърӣяти намояндалари – А.Орипов, Э.Воҳидов, С.Саййид, А.Маҳкам ва И.Отамурод ижодидан намуналарни форс-тожик тилига таржима қилган.

## Шеърятидан намуналар:

### Истиклол қасидаси

Кезиб дашту биёбонни, яна дарёга юзландим,  
Висол орзусида Мажнун каби Лайлога юзландим.

Ғуборлар тинди қалбимда, санамлар синди қалбимда,  
Биҳамдуллаҳ, яна ул дилбари яктога юзландим.

Кечиб ёлғончи доҳийдан, қизил туғли сипоҳийдан,  
Бухорийдек Имому соҳиби фатвога юзландим.

Кечиб донотарошлардан, хато, ботил қарашлардан,  
Яна Форобию Берунию Синога юзландим.

Ватан ичра жаҳон топдим, муқаддас ошиён топдим,  
Кичик дунёдан ўтдим, олами Куброга юзландим.

Яна топдим нишонимни, жасур Соҳибкиронимни,  
Демакким, Ўзлигимни топдим дунёга юзландим.

Навоий қасрига кирдим, саодат асрига кирдим,  
«Хазойин ул-маоний» орқали маънога юзландим.

Ҳумо куш кўнди бошимга, яна ёш кўшди ёшимга,  
Ҳумоюн сингари Бобур – улуғ Мирзога юзландим.

Қанотим бўлди истиклол, баётим бўлди истиклол,  
Саодатдан яралган жаннат ул-маъвога юзландим.

Йигирма йилда юз йилни, босиб ўтган гўзал элни,  
Юракдан кутлаб, эй Жаъфар, баланд туғрога юзландим.

## Кужост?

Соқиё, мастем пеш омад, бигў, соғар кужост?  
Жон кужову тан кужову по кужову сар кужост?

Омадам, аммо намедонам, чи сон берун кашам,  
Пойи саркашро аз ин вайронсаро, астар кужост?

Душмане дорам даруни сина ёди дўстро,  
Рашк медорад зи ман, оҳангаро, ханжар кужост?

Аз фирок ойинаи чашмам ғуборолуда шуд,  
Аз шарори як нигоҳи дўст хокистар кужост?

Ман заре дорам ниҳон дар шаҳри зебоманзарон,  
Фарқи сим аз мис намедонанд, гў, заргар кужост?

Куфл бастиву калиди хона пинҳон кардаи,  
Боз мепурсий чаро аз ман: калиди дар кужост?

---

---

## УНВОНСИЗ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ

### ХОРАЗМИЙ

Тахаллуси – Хоразмий.

Нисбати – Хоразмий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мумтоз шоир Хоразмийнинг туғилган йили ва вафоти аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV асрда яшаб ижод қилган адибдир. Хоразмий ўзбек адабиётида лириканинг ривожига катта ҳисса қўшган. Зуллисонайн шоир. Форс-тожик ва туркий тилларда ижод қилган. Шоир «Муҳаббатнома» номли асари билан машҳур.

**Ўзбекча шеърятидан намуна:**

**«Муҳаббатнома»дан парча:**

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам ойн,  
Мунунг шукронаси курбон бўлойин.

Агар кун туғмаса ҳам ёқту қилғай,  
Юзунг нури бу дунёнинг саройин.

Гар Афлотун сенинг ишқингга тушса,  
Берур елга камук тадбиру ройин.

Шакартек тил била тўти тилингиз,  
Неча кўп сайд этар жонлар хумойин.

Саодат бирла бахт иккиси бичти,  
Бўюнғизга латофатнинг бу қойин.

Ижозат берсанғиз тонг ёқтуситек,  
Жаҳонга хуснунғиз човини ёйин.



Сиза теб келди, Хоразмийни асранг,  
Ким асрарлар қамук шахлар гадойин.

**Тожикча шеърятидан намуна:**

Чи махрўйи ту, эй сарви сарафроз,  
Ки мемонад ба рўят гул даҳан боз.

Ба ёди қоматат мебўсамаш пой,  
Ниҳолеро, ки мебинам сарафроз.

Бад-он монад туро дур дар баногўш,  
Ки гардад Зўхра бо Хуршед ҳамроз.

Хати сабзат ба зери жаъди мушкин,  
Чу тўтибаччае дар чангали боз...

Хушо рўзе, ки Хоразмий бимолад,  
Қадамҳои туро бар дидаҳо боз.

**Муҳаммад АЛИ**

Исми – Муҳаммад.

Лақаби – Али.

Таҳаллуси – Ғарибий.

Нисбати – Ҳиротий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммад Алининг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас, манбалар маълумотларига биноан, XV асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган тожик адиби. Зуллисонайн шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Замонининг фозил кишилардан бўлиб, Ғарибий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Маълумотларга биноан, Алишер Навоийнинг тоғаси бўлган. Муסיқий илмидан ҳам бохабар экан.

## **Шеърятидан намуна:**

Чашми бемори ту ҳар дам нотавонам мекунад,  
Лаъли жонбахши ту, жоно, қасди жонам мекунад.

## **Нодирбек САДР**

Исми – Нодирбек.  
Насаби – Бухорий.  
Тахаллуси – Садри Бухорий.  
Нисбати – Бухорий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Нодирбеки Садрнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас, манбалар маълумотларига биноан, XVI асрда Бухорода яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Қуңғирот элидан. «Темурнома» номли маснавий ёзган.

## **ШЕРАМ**

Исми – Шерам.  
Тахаллуси – Шерам.  
Нисбати – Хуросоний.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Шерамнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIV-XV асрларда Хуросонда яшаб ижод қилган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

## **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Ёридин ҳар ким тушар айру, паришонлиғ чекар,  
Васл қадрин билмаган мендек пушаймонлиғ чекар.

### Тожикча шеърятидан намуна:

Машав носех ба кӯи ақлу дониш раҳнамун моро,  
Надорем ихтиёре, то чи фармояд жунун моро.

### ТУРДИЙ

Исми – Турди.

Тахаллуси – Турдий Фароғий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Шоирнинг таваллуд топган йили аниқ эмас. Манбалар маълу-мотларига биноан, XVII асрнинг иккинчи яримида яшаб ижод қилган адибдир. Тахминан 1700 йилда вафот этган. Турдий ўзбек уруғларидан Юз уруғига мансуб ва улар орасида эътиборли бўлган. Шоир ўзбек ва тожик тилларида ижод қилиб, ўзбекча шеърларида ўзига «Турдий» ва тожикча шеърларида эса «Фароғий» тахаллусларини қўллаган. Шоирдан бизгача бир «Девон» мерос қолган.

### ГУЛХАНИЙ

Исми – Муҳаммад.

Лақаби – Шариф.

Тахаллуси – Журъат, Гулханий.

Нисбати – Қаротегиний.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммад Шариф Гулханийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг биринчи яримида яшаб ижод қилган адибдир. Шоир Тожикистоннинг олдинги Қаротегин ва ҳозирги Рашт ноҳиясида туғилган. Бу ҳақда Фазли Намангоний ўз тазкираси «Мажмуат уш-шуаро»да хабар берган. Гулханий зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Шоирнинг икки тахаллуси бўлган:

Журъат ва Гулханий. Шоирнинг икки асари машхур,  
бири «Зарбулмасал», иккинчиси «Япалок қуш ҳикояси».  
Кўкон адабий доираси намояндаси.

### **Ўзбекча шеърятидан намуна:**

Терламиш май тобидин, гулбарги рухсорин кўрунг,  
Раҳзани дил ўлди тори зулфи зуннорин кўрунг.

Белу оғзидин нишон гар бир сари мў десалар,  
Айларам инкору иқрор этмасам ворин кўрунг.

Ўз маконини тилар ҳар гаҳ қафасдин қочса қуш,  
Эйки истарсиз кўнгулни зулфи ҳар торин кўрунг.

Ғамзаси жоним олур, новаклари бағрим тилар,  
Золими бераҳм озор узра озорин кўрунг.

Соқиё, ҳажр илгида хуноба ютдим, Гулханий,  
Ғайр ила базм ичра они жоми саршорин кўрунг.

### **Тоҷикча шеърятидан намуна:**

#### **Баҳория**

Саҳар, ки булбули шўрида нолае сар кард,  
Зи хуни дида гули сурх домане тар кард.

Кулоҳгўшаи худро шикаст гул ба чаман,  
Бунафша саждаи таъзимро муқаррар кард.

Забони шонаи савсан ба турраи сунбул  
Сабо чу теғ муҳарраф заду муҳассар кард.

Чунон ба пойи гул афтод сабза хурраму маст,  
Ки ёди хеш ба ҳангоми субҳи маҳшар кард.

Сабо бисоти заминро ба сити бўқаламун  
Бидод зеб, ки натвон ба гуфт бовар кард...

## МАХМУР

Исми – Маҳмуд.

Нисбати – Мулло Шермуҳаммад ўғли.

Тахаллуси – Махмур.

Нисбати – Қўқандий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонан.

Маҳмуд Махмурнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда, Қўқонда яшаб ижод қилган адибдир. Унинг отаси Мулло Шермуҳаммад Акмал ҳам зуллисонан шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган экан. Шоир ёшлигида Қўқондаги Мир мадрасасида таълим олган. «Мажмуат уш-шуаро» муаллифи Фазли Намангоний Махмур ҳақида бундай ёзган: «Махмур кучли шоир ва сўз усталаридан бири эди.» Шоирдан бизгача шеърлар девони етиб келган. Махмур зуллисонан шоир. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Махмур истеъдодли ҳажвчи сифатида замонасидаги фиску фужурларни ҳажв қаламида рангин тасвир этган.

## МУЖРИМ – ОБИД

Исми – Обид.

Насаби – Миракхўжа ўғли.

Тахаллуси – Мужрим, Обид.

Нисбати – Вобкентий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонан.

Мужрим – Обид Миракхўжа ўғлининг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XVIII асрнинг иккинчи яримида ва XIX асрнинг бошида Бухоро вилоятининг Вобкент туманида яшаб ижод қилган. Мужрим зуллисонан шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Бухородаги мадрасаи Мири Арабда таҳсил олган. Тожикча шеърларида Бедилга пайравлик қилган.

Ўзбекча шеърларида эса Алишер Навоий ва Бобораҳим Машрабга эргашган. Шоирдан икки тилда икки девони этиб келган. Бирок, ўзбек тилидаги девони тўлиқроқ ва тожик тилидаги девони мукамал эмас.

Шоир Мужрим ва Обид тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Ундан бизгача бир шеърый девон мерос қолган. Шоир Бухорода 80 ёшида вафот этган экан.

### **Шоир ғазалларидан намуна:**

Тушубдур бошима савдои ғурбат,  
Бўлубман волаи шайдои ғурбат.

Ватан ичра топилмас хушёре,  
Ичай бир неча кун саҳбои ғурбат.

Бўлубман қофиласолори ҳижрон,  
Ғаму дарду алам қолюи ғурбат.

Бу маъвода очилмай гунчаи табъ,  
Ҳавас айлар кўнгул маъвойи ғурбат.

Кўрубман бевафолик шаҳр элидин,  
Бўлай овораи савдойи ғурбат.

Надомат ашки ичра ғарқ бўлдум,  
Топаи деб гавҳари яктойи ғурбат.

Билинг ҳар ерда Мужрим бор, ғам бор,  
Бу эрмиш ҳосили пайдойи ғурбат.

## Мунис ХОРАЗМИЙ

Исми – Шермухаммад.  
Тахаллуси – Мунис.  
Нисбати – Хоразмий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Шоир ва олим Шермухаммад Мунис Хоразмий 1778 йилда Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари бири – Хивада таваллуд топган. Шоир ёш-лигидан бошлаб таҳсил кўрган. Мунис ўз замонасининг илмлари, айниқса, адабиёт ва тарихга алоҳида қизикқан. Мунис яхши хаттот, мусиқашунос, тарихчи, истеъдодли лирик шоир, ҳамда таржимон сифатида шуҳрат қозонган адибдир. Шоир «Фирдавс ул-иқбол» номли тарихий асар ёзган. Мирхонднинг «Равзатус-сафо» номли машҳур тарихий асарини тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

### Шоирнинг ғазалларидан намуна:

Волийи мулки тариқат гар Низомийдур манга,  
Манзили маъниға Хизри роҳ Жомийдур манга.

Хотиримга Хусравидин ҳар замон шўре етиб,  
Банда давроннинг бори ширин каломидур манга.

Пир Ансорий сўзидин чошни нутким топиб,  
Сўзда ҳосил шарбати юҳъйил-изомидур манга.

Ҳофизи Шероз лутфидин тараккийлар топиб,  
Жилвагаҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манга.

Юзума Агтор ҳар лахза дўкони файз очиб,  
Доим андин атрпарвар жон машомидур манга.

Файзи Фирдавсий гаҳи кўнглум очиб фирдавсдек,  
Гоҳ Хоқоний футуҳининг паёмидур манга.

Гох таъбим Анварий нури била равшан бўлиб,  
Гох Саъдий жомининг файзи мудомидур манга.

Топибон ишки Ирокийдин замирим нашъае,  
Ҳосил аҳли ишқнинг шўри тамомидур манга.

Нухаи таъйид Бедилдин топиб файзи сухан,  
Маъни ичра номаи иқбол томидур манга.

Қилса ҳосил дахли бежо сўз аро йўқтур ғамим,  
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.

Тонг эмас Мунис агар бўлсам кироми қадрим,  
Устоди зоҳиру ботин Киромийдур манга.

## НОЗИЛ

Исми – Авазмуҳаммад,  
Насаби – ибни Ҳожимуҳаммад,  
Тахаллуси – Нозил,  
Нисбати – Хужандий,  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Нозил Хужандий, асл исми Авазмуҳаммад ибни Ҳожимуҳаммад 1788 йили Хужанд шаҳрида таваллуд топиб, 1876 йилда Қўқонда оламдан ўтган. Дастлабки саводини Хўжандда чиқарган, сўнгра Қўқонда яшаган. Шоир тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Шеърляти мавзулари ранг-баранг. Шоир «Ҳажвиёт» номли асарида ҳажвий маъноларда ёзган шеърларини жам қилган. Асар 3297 мисрадан иборат. Шоирнинг «Зарбулмасал» деб номланган 3000 мисрадан иборат яна бир асари бор.



## ВОЛА

Исми – Эшонхўжа.  
Лақаби – Эшони Вола.  
Тахаллуси – Вола.  
Нисбати – Янгиқўрғоний.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Эшонхўжа Аъмо (ожиз Эшонхўжа), халқ таъбири билан айтганда, Эшони Вола, тахминан 1786 йили Бухоро амирлигига қарашли Янгиқўрғонда таваллуд топиб, тахминан 1872 йилда муҳтожликда оламдан ўтган. У зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида икки девон тузган. Лекин унинг девонлари бугунга қадар топилгани йўқ.

### Шеърятидан намуна:

Ёшурмиш оразин ул ой ниқоби мушкфом ичра,  
Ниҳон бўлғон киби кўздин қуёш рухсори шом ичра.

Бошингдин ўргулуб холингдин ўпсам, эътироз этма,  
Ки, тақбили ҳажар суннат эмиш байтулҳаром ичра.

Кўрунур гарчи даврон гулшани, эй дўстлар, хуррам,  
Вафо меҳрини сиз андин тамаъ этманг машом ичра,

Фиғон бул чархи золимдинки, доно қон ютар дойим,  
Ичар нодон тараб жомини базми эҳтиром ичра.

Ададсиз захмиғ тан ичра андоқ толпинур кўнглум,  
Ҳаводис зулмидин тушган ўшал қушдекки дом ичра.

Жаҳон боғида умредурки, бир гул васлини истаб,  
Қилурмиш Вола булбулдек наволар ҳар маком ичра.

## Тоҷикча шеърлардан:

Ба пешат гул, зи нозукий, шармандагий дорад,  
Зи қаддат сарви бўстон иддаои бандагий борад.  
Бунафша дид то рӯзе хати сунбулфишонатро,  
Ҳанӯз аз бори хижлат сар ба зер афкандагий дорад.

## ПИСАНДИЙ

Исми – Авазмуҳаммад.  
Насаби – Ёрмуҳаммад ўғли.  
Тахаллуси – Писандий.  
Нисбати – Ҳўқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Авазмуҳаммад Ёрмуҳаммад ўғли Писандий 1816 йилда, Қўқон шаҳрида дунёга келган. 1918 йилда, Қўқонда вафот этган. Писандий ёшлигидан ота касби касибчилик билан шуғулланган. У Қўқондаги Охунд девон мадрасасида таълим олган. Ўзбек ва тоҷик адабий меросини яхши ўрганиб, икки тилда баробар шеърлар ёзган. Шоир айниқса тарих ёзишда шухрат қозонган.

## ҒУРБАТ

Исми – Убайдулло.  
Лақаби – Махдум.  
Тахаллуси – Ғурбат.  
Нисбати – Қўқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Убайдулло Махдум Ғурбат тахминан 1850 йилда, Қўқонда таваллуд топган. 1918 йилда, Конибодом шаҳрида оламдан ўтган. Бошланғич маълумотни Қўқон мадрасаларида олган. Ғурбат тоҷик ва ўзбек тилларида баробар ижод қилган адибдир. Унинг иккала тилда ёзган девони бизгача етиб келган.

### Шеърятдан намуна:

Юсуф Зулайхо айлади, ман мубтало қайда борай,  
Қоматларим ё айлади, ман мубтало қайда борай?

Мажнун каби сарсон бўлиб, саргаштаи ҳижрон бўлиб,  
Гунча сифат ғамда сўлиб, ман мубтало қайда борай?

Ноз илкида афгор этиб, жабру жафо бисёр этиб,  
Аҳду вафо бекор этиб ман мубтало қайда борай?

Бу маскани вайронада ҳушим, дилим жононада,  
Йўқтур санам бутхонада, ман мубтало қайда борай?

Ҳажр ўтиға ҳамдам бўлиб, маҳзун кўнгил пурғам бўлиб,  
Ҳасратларим дилға тўлиб, ман мубтало қайда борай?

Рухсори гул, сарву суман, кокиллари мушки Хўтан,  
Жўяндаи нозик бадан, ман мубтало қайда борай?

Гурбатга кўп ваъда қилар, бегонага парво қилар,  
Аҳдин бузиб ифшо қилар, ман мубтало қайда борай?

### Мажзуб НАМАНГОНИЙ

Исми – Абдулазиз.

Лақаби – Мажзуб.

Тахаллуси – Мажзуб Намангоний.

Нисбати – Қаршилиқ.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мажзуб Намангоний (асл исми Абдулазиз)нинг таваллуд топган йили аниқ эмас Қарши шаҳрида таваллуд топиб, 1849 йилда Намангонда вафот этган. Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган ва шу ерда Халифа Ҳусайн Янгикўрғонийдан тасаввуф таълимини олган. Мажзуб тасаввуфда зикри жаҳрия йўлининг ўзига

хос услубини татбиқ этган. Унинг қаламига мансуб «Соқийнома» асари сўфийларнинг суҳбатларида махсус мақом билан ўқилган. Шоирнинг «Тазкираи Мажзуб Намангоний» (тожик тилида), «Девони Мажзуб» номли асарлари бор.

## АЗФАРИЙ

Исми – Алибахт.  
Лақаби – Мирзо.  
Тахаллуси – Азфарий.  
Нисбати – Дехлавий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Азфарий – Мирзо Алибахт 1760 йилд, Дехлида таваллуд топиб, 1819 йили Мадрас шаҳрида оламдан ўтган. Шоир, олим, таржимон. Бобурийлар сулоласидан. Муסיқа, харб, табобат илмларини мукамал ўрганган. Туркий, форсий, араб тилларида ижод қилган. 3 девони бор: «Воқиоти Азфарий», «Фарҳанги Азфарий», «Мезони туркий», «Насаби туркий Чигатойи». Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва Бобурнинг «Арўз рисоласи»ни «Арўззода» номи билан форс тилига таржима қилган.

## БОҚИЙ

Исми – Мирзаабдулла.  
Тахаллуси – Боқий.  
Насаби – Насриддинов.  
Нисбати – Риштоний.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси – 1943.

Шоир, адабиётшунос, манбашунос.  
Мирзаабдулла Насриддинов 1882 йили Фарғона

вилоятининг Риштон туманида таваллуд топган. 1967 йилда, Риштонда вафот этган.

Шарқ мумтоз адабиётини чуқр билган, халқ орасида навоийхон ва бедилхон деган ном олган. Ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» асарини тожик тилига таржима қилган.

### Шавқий КАТТАҚЎРҒОНИЙ

Исми – Муҳаммадшариф.

Тахаллуси – Шавқий.

Нисбати – Каттақўрғоний.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Шавқий Каттақўрғоний Муҳаммадшариф 1785 йили Каттақўрғонда таваллуд топиб, 1861 йили ўша ерда оламдан ўтган. Бошланғич маълумотни Каттақўрғонда олиб, кейин Бухоро шаҳрида мадрасани битирган. Ёшлигидан шеър ёза бошлаган. Бир муддат сарой шоири ҳам бўлган. Саройдаги фиску фужурни кўргач, у ердан кетган ва умрининг охиригача деҳқончилик ва мактабдорлик қилган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар битган. «Миръот ун-наҳв», «Ҳалл ул-луғот» номли илмий асарлар ёзган. Али Марғелонийнинг «Мухтарсар ул-виқоя» номли асарини (араб тилида) тожик тилида шарҳ бериб, луғатлар тузган. Ўзбек тилидаги шеърларида Навоий ва Ғузулийга, тожикча шеърларида эса Ҳофиз ва Бедилга пайравлик қилган.

#### Шеърятидан намуна:

Олиме аз дар дарояд бо ҳазорон илму фазл,  
Таънаҳо созанд, ки солус аз пайи нон омада аст.

Золиме аз дар дарояд бо ҳазорон жабру зулм,  
Хона ороянд, ки шон аз назди султон омадаст.

## МИРИЙ

Исми – Мираҳмадхон.

Насаби – Мирабдурахмон ўғли.

Тахаллуси – Шоик.

Нисбати – Тошкандий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мирий Шоик – Мираҳмадхон Мирабдурахмон ўғли 1833 йилда Тошкентда таваллуд топиб, 1916 йили Тошкентда оламдан ўтган. Марғилон ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Араб, форс, турк тилларида ижод қилган. Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Шоик «Фикҳи Акбар»ни «Икки дураб шарҳи фикҳ ал-Акбар» номи билан шеърий таржима қилиб, Тошкентда чоп эттирган.

### Шеъриятдан намуна:

#### Қиссаи Салим Жавҳарий (Достондан парча)

Ким эмди айлайин бир қисса оғоз,  
Салими Жавҳарийдин нуктапардоз.

Ким ул ҳажжожии зулм ичра яғона,  
Тилар эрдикӣ, бир яхши фасона.

Топиб Фаттоҳ олиб борғач Салимни,  
Фасоҳат бобида йўқ-йўқ калимни.

Буюрди шаҳ сўзунг оғоз айла,  
Фасонангға мени дамсоз айла.

Дуо айлаб Салими нукта ошуб,  
Етурди шоҳлиғ расмида услуб.

Деди, эй шаҳриёри рубъи маскун,  
Мутеи хидматинг бўлсун Фаридуп.

Эшнт бу кулни кўрган саргузашиш,  
Кезиб оламға юрган кўху даштин.

### Ноил ШЕРЗОДА

Исми – Мухтор.

Насаби – Шерзода.

Нисбати – Ўротеппалик.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Мухтор Шерзода 1895 йили Тожикистоннинг Ўротеппа шаҳрида, муддарис оиласида таваллуд топиб, 1935 йили Ўротеппада оламдан ўтган. Отаси кўлида таҳсил олган. Беш йил Бухорода юриб, 1920 йилда Ўротеппага қайтиб келган. Шоир тожик тили қаторида ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзган. Шоирнинг ҳажвий шеърлари ҳам бор.

### ДАБИРИЙ

Исми – Остонакул.

Насаби – Абдушукур ўғли.

Нисбати – Каттакўрғоний.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

ДабириЙ Каттакўрғоний. Асл исми Остонакул Абдушукур ўғли, 1871 йили Каттакўрғонда туғилиб, 1939 йилда оламдан ўтган. Зуллисонайн шоир ва хаттот. Бухорода таҳсил олган. «Ёш Бухороликлар» ҳаракатига қўшилиб, Амир Олимхонга қарши курашган. Янги очилган мактабларда муаллимлик қилган. Девон тузган, аммо амир одамлари томонидан девони ёқиб юборилган. Унинг шеърлари «Баёзи Валий», «Баёзи Маҳдий», «Баёзи Муҳибий» каби манбаларда сақланган.

## РАВНАҚ

Исми – Паҳлавонкул.  
Тахаллуси – Равнақ.  
Нисбати – Хоразмий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Равнақ Паҳлавонкул 1725 йили Хоразмда таваллуд топиб, 1805 йилда, Хоразмда вафот этган. Хива мадрасаларида савод чиқариб, ўша мадрасаларда қашшоқлик билан кун кўрган. Зуллисонайн шоир. Араб, тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Бизгача ягона девони «Девони Равнақ» номи билан етиб келган.

## РАШИДХОН

Исми – Рашидхон.  
Насаби – Абдурашидхон ўғли.  
Тахаллуси – Рашидий.  
Нисбати – Андижоний.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Рашидхон Абдурашидхон 1509 йили Андижонда таваллуд топиб, 1563 йилда, Хитойнинг Хутан деган шаҳрида вафот этган. Шоир ва муғанний. Турк ва форс тилларида Рашидий тахаллуси билан ижод қилган. Рашидийнинг «Девони Рашидий», «Ғазалиёти Рашидий», «Салотиннома» каби асарлари ҳақида маълумотлар бор. Бирок улар бизгача етиб келмаган. Фақат туркий ва форсий тилларида ёзган айрим ғазаллари ва улардан намуналар қўлёзма китобларда келтирилган.



## Имомуддин РИЁЗИЙ

Исми – Имомуддин.  
Тахаллуси – Риёзий.  
Нисбати – Самарқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Риёзий Имомуддин Самарқанд аҳлидан бўлиб, таваллуд топган йили аниқ эмас, лекин 1479 йилда вафот этгани аниқ. Шоир, хаттот ва ҳофиз. Самарқанд мадрасаларида таҳсил кўрган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Навоий ўз асари «Мажолис ун-нафоис»да унга яхши баҳо берган. Навоийнинг ёзишича, у ғазаллар ёзиш билан бирга, хаттот, шунингдек, Куръонни ҳам етти кироатда ўқийдиган ҳофиз ҳам бўлган экан.

## Саид АХМАД

Исми – Саид.  
Насаби – Аҳмад.  
Тахаллуси – Саидий.  
Нисбати – Ҳиротий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Саид Аҳмад - Саидий XIV асрнинг охири, XV асрнинг аввалида Ҳиротда яшаб ижод қилган адибдир. Темурий шахзодаларидан Мироншоҳнинг ўғли. Зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Давлат ишларида қатнашмаган. Нома жанрида асарлар ёзган. «Таашшукнома», «Латофатнома» каби дostonларни ёзган.

## ИНШОЙЙ

Исми – Мирқосим.  
Насаби – Соғаржий.  
Тахаллуси – Иншойй.  
Нисбати – Самарқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Иншойй Мирқосим Соғаржийнинг таваллуд топган йили маълум эмас. Манбаларнинг маълумотларига биноан, 1596 йилда, Самарқандда вафот этган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Саидхон ва Абдуллохон даврида муншийлик вазифасини бажарган экан. Ёшлигидан «Мунший» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Кейинроқ ўзига «Иншойй» тахаллусини олган. Унинг қаламига лирик ғазаллар, қасидалар, китъалар мансуб. «Хусраву Ширин» номли маснавий ҳам ёзган экан. Тарих моддалар айтишда мохир бўлган.

## Абдуллатиф ЖОМИЙ

Исми – Абдуллатиф.  
Лақаби – Табиб.  
Тахаллуси – Жомий.  
Нисбати – Бухорий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Абдуллатиф Жомийнинг таваллуд топган йили ва вафоти маълум эмас. Манбалар маълумотига биноан, XVI асрда Бухорода яшаб ижод қилган адибдир. Аҳмад Жомий номли машҳур тожик шоирининг қариндоши. Маълумотларга биноан, замонининг кўп илмларидан баҳраманд бўлган адиблардан экан. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган.

### **Шеърятидан намуна:**

Хуршеди жамоли дўст тобон шудааст,  
Олам зи фурўғи ў гулистон шудааст.

Ҳар зарра, ки дар кавну макон мебиний,  
Аз партави рўи дўст рахшон шудааст.

### **Абдулқодирхожа САВДО**

Исми – Абдулқодирхожа.  
Тахаллуси – Савдо, Бепул.  
Нисбати – Бухорий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Савдо Абдулқодирхожа 1824 йили Бухорода таваллуд топиб, 1873 йили Бухорода вафот этган. Шоир, адиб ва жамоат арбоби. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Бобоси Бухоро қозикалони бўлган. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Шеър илми, мусиқа илми, нужум илмларини чуқур ўрганган. Амир Музаффар уни саройга тортиб, ўзига надим, яъни ҳамсухбат қилиб олган. У «Бепул» тахаллуси билан ҳам тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### **Шеърятидан намуна:**

Ба авжи бепулий, к-аз паҳлўи харж аст роҳ ин жо,  
Сари мў харж афзунтар куний, бишкан кулоҳ ин жо.

Адабгоҳи хасосат харчи бежо барнамедорад,  
Чу ҳамён сар ба мехри танга меболад нигоҳ ин жо.

Зи тарзи машраби имсоқ сайри бенавойй кун,  
Ки бебокона натвон харж қардан парри қоҳ ин жо.

Кунам қарзе ба афсуни дили бемуддао, Бепул,  
Аз он мумсик, ки гар мункир шавам, набвад гуноҳ ин жо.

## ҲОЗИҚ

Исми – Исломшай.

Лақаби – Жунайдулло.

Тахаллуси – Ҳозик.

Нисбати – Ҳиротий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Ҳозик – Жунайдулло Исломшай 1843 йили Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. Вафот этган йили аниқ эмас. Шаҳрисабзда оламдан ўтган. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Илми тибни яхши билгани учун ҳам «Ҳозик» тахаллусини олган. Бир муддат амир Ҳайдар саройида бўлган. Амир Умархон уни Қўқон саройига чақирган. «Юсуф ва Зулайхо» номли дoston ёзган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

### Шеърятидан намуна:

То чанд кунам зи халқ пинҳон,  
Ашку рухи зарду охи сўзон.

Хушу хирадам ба ишва бурданд,  
Фарёд зи дасти хубрӯён.

Жоно, чи шавад зи чашми бемор?  
Ёбад дили дардманд дармон.

Бе лаъли ту жони нотавонам,  
Афтода чу қолабест бе жон.

Гул ҳам шуду сарв рост бархост,  
То тарфи чаман шудий хиромон.

Бе кадду рухат чи кор ояд,  
Сайри гулу сарви боғу бўстон?

Ҳозик, ту мабанд дил ба зулфаш,  
Сад бор шикастааст паймон.

## АДО

Исми – Султонхон.  
Тахаллуси – Адо.  
Нисбати – Самарқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Султонхони Адонинг таваллуд топган йили ва вафоти маълум эмас. Маълумотларга биноан, XIX асрда Самарқандда яшаб, ижод қилган. Зуллисонайн шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган.

Адонинг асли Хожа Аҳрори Валий авлодидан бўлиб, Самарқанд ва Бухорода Шайхул исломлик вазифасини бажарган. Бир муддат Кўқонга амир Умархон таклифи билан бориб, сарой шоири бўлган.

### Шеърятидан намуна:

Кужо ба ранги ҳино мениҳад нигор ангушт,  
Зи хуни бегуноҳон мекунад нигор ангушт.

Ба шонаи сари зулфи ту дидаму гуфтам:  
Фусунгарест, ки зад дар даҳони мор ангушт.

Ба ҳар касе, ки дар ин боғ жавҳари зотист,  
Ба хаз ҳам накунад чун кафи чинор ангушт...

Адо, ба ҳарфи ту хоҳий, ки нохуне нарасад,  
Ба ҳарфи кас нарасоний ту зинҳор ангушт.

## ШАВКАТ

Исми – Сирожиддин.

Насаби – Мирзохид Охунд ўғли.

Тахаллуси – Шавкат, Сидқий, Искандар, Шеван.

Нисбати – Тошкандий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Сирожиддин Шавкат Мирзохид Охунд ўғли 1882 йили Тошкент вилоятида таваллуд топган. Шоир ва таржимон сифатида ўзбек адабиётининг ривожига ҳисса қўшган. У Шавкат, Сидқий, Искандар, Шеван тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Шоир 1934 йили, Хондалиқда вафот этган. Ундан «Девони Сидқий», «Иқтисоб», «Тухфай Шавкат» ва бошқа асарлар қолган. Кўпгина тожик шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

### Шеърятидан намуна:

То фазлу ҳунар ойинапардоз бўлмади,  
Иқбол эшиги кимса юзига очулмади.

Бўлса кишини бахти қаро гирядин на суд,  
Зероки, қора оқ бўлур деб ювулмади.

Сўзлар чоғингда сўзга ҳамоно бўл эҳтиёт,  
Отилган ўқни ёнғони ҳаргиз кўрулмади.

Ҳар кимни гар кўрур эсанг анга тавозе эт,  
Кўз устида жой олмади то қуш эгулмади.

Максуд соҳилига киши қўймади аёғ,  
Адхам сифат алойикдин то узулмади.

Шавкат ҳамиша маърифат аҳлин дуоси ол,  
Кўринг гурухлариким анинг сезишулмади.

## Сидқий ХОНДАЛИҚИЙ

Исми – Сирожиддин.  
Насаби – Мирзоҳид Охунд ўғли.  
Лақаби – Махдум, Сидқий, Хондалиқий.  
Тахаллуси – Шеван, Шухрат.  
Нисбати – Бўстонлиқий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Сидқий Хондалиқий – Сирожиддин Махдум Мирзоҳид Охунд ўғли 1884 йили, Бўстонлик туманида таваллуд топган. 1934 йилда вафот этган. Зуллисонайн шоир, хаттот, таржимон. Форс ва араб тилларини яхши билган. Шеър илмини ўрганишида Камийнинг хизмати катта. Аввалларда Шеван, Шухрат тахаллуслари билан ёзган. Унинг «Тўхфаи Шавкат» каби асарлари, «Русия инқилоби» номли достони ва яна бир нечта тожикча ва ўзбекча шеърлари қолган.

## АКМАЛ

Исми – Акмал.  
Насаби – Шермуҳаммад.  
Тахаллуси – Акмал.  
Нисбати – Хўқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Акмал Шермуҳаммад Хўқандийнинг таваллуд топган йили номаълум, 1821 йилда, Қўқонда вафолт этган. Зуллисонайн шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Қўқанд мадрасаларида таҳсил олиб, муддарислик қилган. Шоир ғазал ёзишда кўпроқ Бедилга тақлид қилган.

### Шеърятидан намуна:

Сози нафас оҳанги асар карда видоат,  
Эй нола, пар афшон, зи раги чанг бурун о!

Аз сахтии даврон чи каший нанги фусурдан,  
Чун ашки шарар аз жигари санг бурун о!

Тасхири жаҳон дар гарави хотами халқ аст,  
Акмал, ҳама тан сулҳ шав, аз жанг бурун о!

## **Бобожон САНОИЙ**

Исми – Бобожон.

Тахаллуси – Саной.

Нисбати – Хивалик.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Бобожон Санойнинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари номаълум. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда Хоразмда яшаган адиб. Шоир, хаттот ва таржимон. Хива мадрасаларида таҳсил олган. Ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёзган. Хусайн Воизи Кошифийнинг «Ахлоки Мўҳсиний», Ибн Ясриннинг «Хобнома», Фахрий Ҳиравийнинг «Ҳафт кишвар», Юсуфийнинг «Бадоеъ ул-иншо» ва бошқа адибларнинг асарларни тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Шеърда Санойга пайравлик қилган. Унинг илмий меросини манзум дostonлар ташкил этади, жумладан: «Ҳадиқаи азҳар», «Канзул-маориф».

## **МУҲСИНИЙ**

Исми – Хусайнкул.

Насаби – Сулаймонкул ўғли.

Тахаллуси – Мўҳсиний.

Нисбати – Қўқандий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Хусайнкул Сулаймонкул ўғли, 1860 йилда, Қўқон шаҳрида дунёга келиб, 1917 йилда ўша жойда оламдан ўтган. Шоир, таржимон ва хаттот. Ўзбек ва тожик



тилларида ижод қилган. Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган. Муҳсиний шахсан Фурқат ва Муқимий билан таниш бўлган. Шоирдан икки тилда тўрт девон қолган. Унинг «Риёзул-анъом фи мусобихуз-замон» номли фалсафий-ахлоқий достони ҳам бор. Абдулқодир Бедилнинг «Девон»и, Фузулийнинг, «Лайли ва Мажнун» асарларини кўчирган.

## ВАСФИЙ

Номи – Муҳаммаджон.  
Насаби – Мухторов.  
Тахаллуси – Васфий.  
Нисбати – Бухорий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муҳаммаджон Мухторов 1908 йили Бухорода таваллуд топиб, 1971 йили Тошкентда вафот этган. Шоир, таржимон ва журналист. Ўзбекистонда Ҳизмат кўрсатган маданият ходими - 1967. Зуллисонайн шоир тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган.

«Гули сурх» қиссаси, «Зулми амир» драмаси, «Депутат» «Оинаи дил» ва «Тошкент руҳияти» дostonлари муаллифи. Шунингдек, тожик адибларининг асарларини ўзбек тилига ва ўзбек адибларининг асарларини тожик тилига таржима қилган адиб.

## Мунирхон МУИНЗОДА

Исми – Мунирхон.  
Насаби – Муинзода.  
Тахаллуси – Мунирхон.  
Нисбати – Хужандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муинзода Мунирхон 1909 йили Хужанд шаҳрида таваллуд топиб, 1973 йили Хужандда вафот этган.

ЗуллISONАЙН шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Бошланғич маълумотни Хужандда олган. Душанбе педагогика институтини битирган. Ғафур Ғулом номидаги Ўзбекистон нашриёти муҳаррири - 1952-66. «Шухрат» медали билан мукофотланган.

## Муҳий ХЎҚАНДИЙ

Тахаллуси – Муҳий.  
Нисбати – Хуқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллISONАЙН.

Муҳий Хўқандийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан. XIX аср ва XX асрларнинг орасида Қўқонда яшаб ижод қилган. ЗуллISONАЙН шоир. Тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган. Ўрта Осиё ва Афғонистон шаҳрларини саёҳат қилган. Ундан бизга ўзбек ва тожик тилларида икки девон мерос қолган. Шеърларининг асосий мавзулари ишқ ва панду ахлоқдан иборат.

## Саидризо АЛИЗОДА

Исми – Саидризо.  
Насаби – Ализода.  
Нисбати – Самарқандий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллISONАЙН.

Саидризо Ализода 1887 йили Самарқандда таваллуд топиб, 1945 йилда Владимир шаҳрида вафот этган. Маърифатпарвар, таржимон, шоир ва олим. ЗуллISONАЙН шоир. Тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. Илк таҳсилни Самарқанд мадрасаларида олган. Мустақил мутоала билан рус, француз, араб, италян, яҳудий, курд, инглиз, урду тилларини ўрганган. Ёшлигидаёқ «Низомнома», «Рисолату-иттиҳодия» каби асарлари билан танилган. Таржимон сифатида кўпгина

хорижий муаллифларнинг асарларини тожик ва ўзбек тилларига таржима қилган. 1937 йилда қамалган ва сиёсий маҳбусликда вафот этган.

## Сирож ҲАКИМ

Номи – Сирожиддин.  
Насаби – ибни Ҳожи Мирзо Абдурауф.  
Тахаллуси – Сирож Ҳақим.  
Нисбати – Бухорий.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Сирож Ҳақим – Мирзо Сирожиддин Ҳақим Бухорий ибни ҳожи Мирзо Абдурауф 1877 йили Бухорода таваллуд топиб, 1914 йилда Бухорода вафот этган. Маърифатпарвар ва шоир, табиб, сайёҳ. Йирик савдогар оиласида туғилган. Форс, француз, рус тилларини мукаммал билган.

Зуллисонайн шоир ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Техрондаги Америка тиббиёт коллежида ўқиган ва бир муддат ишлаган. Берн университети (Швейцария) тиббиёт факультетида ўқиган. Кўп сафар қилган.

Сирож Ҳақим кўп йиллик саёҳат ва сафарлари натижасини «Тўхфаи аҳли Бухоро» асарида (тожик тилида) ёзган. Шоирнинг тожик ва ўзбек тилларида ёзган шеърлари бизгача етиб келган.

## УЗЛАТ

Исми – Муҳаммадшариф.  
Тахаллуси – Узлат, Узлатий, Нодир, Нодирий.  
Нисбати – Косоний.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Узлат Муҳаммадшариф Косонийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар

маълумотларига биноан, XVIII асрнинг иккинчи ярими ва XIX асрнинг биринчи яримида Намангон вилоятининг Косонсой туманида яшаб, ижод қилган адибдир.

Кўқонда таҳсил олган. Мадрасаларда ўқиб юрган пайтларида шоир сифатида танилган. Шоир тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.

Узлат Кўқон муҳитидаги шоирлар – Акмал, Нодим, Нозил ва Фано билан шахсан таниш бўлган. Узлат тожик тилидаги шеърларини «Узлат» ва «Узлатий», ўзбек тилидаги шеърларини «Нодир» ва «Нодирий» тахаллуси остида ёзган. Тожик тилида 6500 байт шеър ва ўзбек тилида «Ҳафт гулшан» деган маснавий қолдирган.

### **Шеърятидан намуна:**

Суруғ соз ба мурғи назар нишонаи дил,  
Малак ба тоқи фалак баста ошонаи дил.

Зи роҳи беҳабарий Каъбаро чи мепурсий?  
Тавоф созу бинех сар бар остонаи дил.

---

## ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБАЛАР РАВЗАСИ

### НОДИРА

Исми – Комила.  
Лақаби – Моҳларойим.  
Тахаллуси – Нодира.  
Нисбати – Андижоний.  
Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Нодира – Моҳларойим 1792 йилда Андижонда таваллуд топган. 1842 йилда, Қўқонда Амир Насрулло фармони билан дорга осилган.

Комиланинг отаси Андижон бойларидан эди. Комила гўзаллик ва ақлда ягона бўлгани боис, Амир Умархон уни хотинликка олади. У Қўқон адабий муҳитида камол топади. Умархон оламдан ўтгач, тахт унинг 14 ёшли ўғлига қолади. Шунинг учун давлатни бошқариш Нодиранинг қўлига ўтади. Истеъдодли шоира илм, маърифат адабиёт ва санъат аҳлига ғамхўрлик қилади.

1842 Бухоро амири Насрулло Қўқонни заб этгач, Умархоннинг болаларини дорга осиб ўлдиради. Набирасини дорга осаётганда, тоқат қилолмай, Нодира Насруллохонга лаънатлар айта бошлайди. Ана ўшанда Амир Насрулло ҳукми билан Нодирани ҳам болалар ва набиралари қатори дорга осадилар. Нодира зуллисонайн адиба. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

#### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,  
Ифторда ёрсиз на лаззат.

Ёр айласа ёри бирла ифтор,  
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,  
То субҳ чекиб суруди ишрат.

Ҳар шом менга наволаи ғам  
Ифтор килурға бўлди қисмат.

Моҳи рамазонки, файзи чуғдур,  
Мен хастаға ёрсиз на роҳат.

Ҳар шом кўзумни ёши шамъим,  
Хуни жигарим бажойи шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас,  
Гар ёр эса, Нодира, саломат.

**Тожикча шеърятидан намуна:**

Субҳи васли ман зи хуршеди жамолат нур дошт,  
Шоми ҳижрон тира шуд, эй моҳи тобонам, биё.

## МАҲЗУНА

Исми – Меҳрубон.

Тахаллуси – Маҳзуна.

Нисбаги – Хўқандий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Маҳзуна - Меҳрубоннинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда Қўқон адабий муҳитида яшаб, ижод қилган адибадир. Маълумотларига қараганда, у ўз саводини устозсиз чиқарган экан, бу маълумотни Фазлий билан мушоирасидан ҳам билса бўлади. У Қўқон уламоларидан бирининг қизи эди. Шоирани девони бугунгача топилгани йўқ. Лекин «Мажмуа уш-шуаро» муаллифи билан мушоира шоиранинг теран истеъдодидан дарак беради. Маҳзуна зуллисонайн шоира. Икки тилда ижод қилган.

**Тожикча шеърятидан намуна:**

Наям аз даври чархи вожгун бегонаи сахбо,  
Чу хуршед аст доим бар кафаш паймонаи сахбо.

**Фазлий Намангоний ва Маҳзуна ўртасидаги  
мушоира**

**Фазлий:**

Юз офарин сўзунга, лубби лубоб кўрмай,  
Арзи жамол этарму ойина об кўрмай?

**Маҳзуна:**

Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,  
Ганж ўлмағай муяссар, ҳолин хароб кўрмай.

**Фазлий:**

Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб,  
Маъни арусини бас, мен бениқоб кўрмай

**Маҳзуна:**

Йўқ айби сўзларимни, гар бўлмаса муаддаб,  
Андоқки ўт кўкаргай, ҳеч офтоб кўрмай.

**Фазлий:**

Майгун лабинг ҳадиси маст этти ғойибона,  
Кайфият ўлди зоҳир, жоми шароб кўрмай.

**Маҳзуна:**

Бир ваҳж буки табъим хом асрамиш замона,  
Чархи сипехрдин ул ҳеч печутоб кўрмай.

### **Фазлий:**

Мундоқки нуктадонсен, ким эрди устодинг,  
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.

### **Махзуна:**

Кўп нахрлар йиғилса, дарёи пурдур ўлгай,  
Илм ахлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

### **Фазлий:**

Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни қўйма махзун,  
То кетмайин Намангон, сендин жавоб кўрмай.

### **Махзуна:**

Байтул-ҳазан ичинда узлат тутуб, бу Махзун,  
Фазли илоҳидур бу, йўкса китоб кўрмай.

## **УВАЙСИЙ**

Исми – Жаҳон Отун.

Тахаллуси – Увайсий.

Нисбати – Марғилоний.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Увайсийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили аниқ эмас. Манбалар маълумотларига биноан, XIX асрда, Кўкон шаҳрида Амир Умархон даврида яшаб, ижод қилган адибадир. Унинг асл исми Жаҳон Отин бўлиб, марғилонлик бир каммаҳсул шоирнинг қизи эди.

Увайсий ҳақида халқ ичида юрган нақлга кўра, у Амир Умархон адабий доирасига киришни хоҳлаган. Тақдир тақозоси билан саройга йўл топади ва чўри сифатида яшай бошлайди. Айтишларича, Нодиранинг шоира сифатида танилишида кўп куч сарф қилган эмиш. Шоирадан бизга «Карбаланома» номли дoston мерос қолган.



### Ўзбекча шеърятидан намуна:

Дилрабо, юзунг узра кокулинг паришон қил,  
Хуснунгга ниқоб ўлсун мақсадимни пинҳон қил.

На деб эътироз эттинг мустаманди зорингга,  
Журм кўп эса авф эт, лаблариингни хандон қил.

Ташналикдадур мискин, гулшанингдадур ғамгин,  
Фақр аҳлини дохил хотами Сулаймон қил.

Қатра май гадолардин, соқиё, дариғ этма,  
Ақлдин қилиб фориғ, мастликда султон қил.

Жонни можаросиға сабр айлағил, эй тан,  
Рашкдин ёкиндур бул чақмоғиға меҳмон қил.

Мунда етмади, Вайсий васлингни баҳоси?а,  
Юмди кўз бу оламдин, раҳм айлаб арзон қил.

## МУАЗЗАМХОН

Исми – Муаззамхон.

Насаби – Мирсаид қизи.

Тахаллуси – Муаззам.

Нисбати – Хужандий.

Адабиётдаги ўрни – зуллисонайн.

Муаззамхон Мирсаид қизи Хужандда таваллуд топиб, 1917 йилда Жиззах шаҳрида оламдан ўтган. Муаззамхон зуллисонайн шоира. Тожиқ ва ўзбек тилларида шеърлар ижод қилган.

Муаззамхон арўз вазнини мукаммал билган. Унинг девони 1000 мисрадан ортиқроқ экан. Унинг синглиси Муаттархон ҳам шоира бўлган. Шоира шеърларида давр, фалақдан норозилиқ садолари аск этган. Лекин замондошларини сабр қилиб яшашга даъват этади.

### Шеъриятидан намуна:

Эй фалак, мунча жафони манга эҳсон айладинг,  
Ҳам хирад уйини буздинг, бесарапжом айладинг.

Кавкаби иқболими идбора табдил айлабон,  
Толеимни наҳс этиб, эл ичра бадном айладинг.

Хуш баланд парвоз эди руҳим куши, афсуским,  
Фитна айлаб, золи дунё макрига ром айладинг.

Барчага жабр айласанг ҳам гоҳ-гоҳ таскин бериб,  
Бир ғариба бошига кулфатни модом айладинг.

Тоқати тамкин таҳаммул уйини ғорат қилиб,  
Телбалардек сўзлатиб бесабру сомон айладинг.

Ҳар неча жаҳд айладим кирсам саодат йўлига,  
Йўл юрарда ҳар қадамда ҳирсни дом айладинг.

Барчани жоми муродини бериб ман хастага  
Қисматим синган сополдек бир қуруқ жом айладинг.

Ҳар жафо келса, Муаззам, холиқингни ҳукмидур,  
Шиква айлаб бу фалакни мунча бадном айладинг?!

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Маллаев Т. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: «Ўқитувчи», 1976.
2. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. Тошкент: «Фан», 1978.
3. Ўзбек адабиёти. 4 томлик. Тошкент: «Бадий адабиёт», 1959.
4. Ҳасанхожа Нисорий. «Музаққир аҳбоб». Тошкент, 1993.
5. «Минг бир рубой». Тил ва адабиёт институти. Тошкент: «Фан», 2009.
6. Ўзбек шеърятини антологияси. 5 томлик. Бадий адабиёт. Тошкент, 1962.
7. С. Мирвалиев. Ўзбек адиблари. Тошкент: «Фан», 1993.
8. Асрлар нидоси. Тил ва адабиёт институти. Тошкент: Ғафур Ғулом. 1982.
9. XX аср ўзбек шеърятини антологияси. Тошкент: «Ўзбек миллий энциклопедияси», 2007.
10. Р. Ж. Воҳидов, Ҳ. П. Эшонқулов. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Тошкент: 2006.
11. Адабиётимиз автобиографияси. Ғафур Ғулом. Тошкент-1973.
12. Иброҳим Ҳаққул. Абадиёт фарзандлари. Тошкент: «Ёш гвардия», 1990.
13. Сўз мулкининг хазинабонлари. (XX-XXI). Тошкент, 2008.
14. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Буюқлар халқаси. «Ноширлик ёғдуси», Тошкент: 2011.
15. Ўзбек миллий энциклопедияси. Ўзб. Давл. Энц. Нашриёти. Тошкент: 11 томлик. 2003-2005.
16. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. XVII жилд, «Насоимул-муҳаббат». Тошкент, 2001.
17. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9 жилд, «Мажолисун-нафоис». Тошкент, 2011.
18. Энциклопедияи Адабиёт ва санъати тожик. 3 томлик. Душанбе: 1988-1990.
19. Н. Маъсум. Адабиёти тожик дар асрҳои XVIII-XIX. Душанбе, 1962.
20. Ганжи Зарафшон. Душанбе: «Адиб» 1991.
21. Абдурахмон Жомий. «Нафахот ул-унс». Нашри Маҳмуд Обидий, 1375 ҳижра.
22. Фаридиддин Аттор. «Тазкират ул-авлиё». Техрон, 1376 х.ш.
23. Ф. Исомиддинов, Ж. Мирзаев. Ўзбек адибларининг унвонлари. «Янги нашр», Тошкент: 2013.

## МУНДАРИЖА:

Кириш .....	3
<b>ҲАЗРАТ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ</b>	
Ҳазрат Алишер Навоий .....	7
Ҳазрат Сайид Аҳмад .....	10
Ҳазрат Захириддин Бобур .....	11
<b>ШАЙХ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ</b>	
Шайх Сухайлий .....	13
Шайх Убайдуллоҳон .....	14
Шайх Абдуллатиф .....	15
Шайх Сўфи Аллоҳёр .....	16
<b>АЛЛОМА УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ</b>	
Аллома Мирзо Улуғбек .....	17
Аллома Алихонтўра Соғуний .....	18
Аллома Садриддин Айний .....	19
Аллома Абдурауф Фитрат .....	20
<b>МАЛИКУШШУАРО УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ</b>	
Маликушшуаро Бадри Чочий .....	22
Маликушшуаро Муҳаммад Солиҳ .....	22
Маликушшуаро Нисорий .....	23
Маликушшуаро Фазий Намангоний .....	24
<b>АМИР УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ</b>	
Амирий .....	26
Амир Юсуф Амирий .....	27
Амир Байрамхон .....	28
Амир Обид .....	29
Амир Умархон .....	30
Амир Шайхам .....	32
<b>МИРЗО УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ</b>	
Мирзо Аскарӣй .....	33
Мирзо Сулаймон .....	34
Мирзо Султон Бадиуззамон .....	34
Мирзо Шох Ғариб .....	35
Мирзо Фаридун Ҳусайн .....	35
Мирзо Султон Масъуд .....	36
Мирзо Ҳумоюн .....	37
Мирзо Ҳайдар .....	37

Мирзо Огахий.....	38
Мирзо Комил Хоразмий .....	40
Мирзо Мурассаъ .....	41
Мирзо Муқимий .....	42
Мирзо Девоний .....	44
Мирзо Ҳайрат Тўрақўрғоний.....	44
Мирзо Ҳодий .....	45
Мирзо Масеҳо Бойсуний.....	46

#### **САЙИД УНВОҢЛИ ЗУЛЛИСОҢАЙҢ АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Сайид Ардашер .....	49
Сайид Пошшохожа .....	50

#### **ҲОЖА УНВОҢЛИ ЗУЛЛИСОҢАЙҢ АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Ҳожа Абдулқодир Мароғий.....	52
Ҳожа Калонбек Нисорий .....	53
Ҳожа Абдуссалом.....	53
Ҳожа Абдулваҳҳоб .....	54

#### **ҲОЖИ УНВОҢЛИ ЗУЛЛИСОҢАЙҢ АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Ҳожи Муқйи .....	55
Ҳожи Муин .....	56

#### **ҚОРИЙ УНВОҢЛИ ЗУЛЛИСОҢАЙҢ АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Қори Зуфунун.....	57
-------------------	----

#### **ҚОЗИ УНВОҢЛИ ЗУЛЛИСОҢАЙҢ АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Қози Солеҳ.....	59
Қозий Абусууди Курд .....	60
Қози Хумудий.....	60
Қози Сомий.....	63
Қози Мирий .....	63
Қози Бехбудий .....	63
Қози Рожий.....	64
Қози Ғозий.....	65

#### **МАВЛОНО УНВОҢЛИ ЗУЛЛИСОҢАЙҢ АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Мавлоно Лутфий.....	66
Мавлоно Ҳайдар Хоразмий.....	66
Мавлоно Мажлисий.....	69
Мавлоно Ҳусайн Хоразмий.....	70
Мавлоно Қутбий .....	70
Мавлоно Тархоний.....	71
Мавлоно Яқиний.....	71
Мавлоно Муқимий.....	72
Мавлоно Билол.....	72

Мавлоно Осафий.....	73
Мавлоно Шавкий.....	73
Мавлоно Зиё.....	74
Мавлоно Фазойи.....	75

### **МУЛЛО УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Мулло Мусо Сайрамий.....	76
Мулло Маъдан.....	77
Мулло Акмал.....	79
Мулло Шавкий.....	79
Мулло Хилватий.....	80
Мулло Васлий.....	82
Мулло Афқар.....	83
Мулло Ҳайратий.....	84
Мулло Ғарибий.....	85
Мулло Исомиддин.....	85
Мулло Азизий.....	87

### **ОЛИМ УНВОНЛИ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Ботурхон Валихўжаев.....	88
Нажмиддин Комилов.....	89
Ҳасан Қудратуллоев.....	90
Қутбиддин Муҳиддинов.....	90
Жаъфар Муҳаммад Термизий.....	91

### **УНВОНСИЗ ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБЛАР РАВЗАСИ**

Хоразмий.....	95
Муҳаммад Али.....	96
Нодирбеки Садр.....	97
Шерам.....	97
Турдий.....	98
Гулханий.....	98
Махмур.....	100
Мужрим Обид.....	100
Мунис Хоразмий.....	102
Нозил.....	103
Вола.....	104
Писандий.....	105
Ғурбат.....	105
Мажзуб.....	106
Азфарий.....	107
Бокий.....	107
Шавкий.....	108
Мирий.....	109

Ноил Шерзода .....	110
Дабирий .....	110
Равнақ .....	111
Рашидхон .....	111
Риёзий .....	112
Саид Аҳмад .....	112
Иншоий .....	113
Абдулатиф Жомий .....	113
Абдулқодирхожа Савдо .....	114
Ҳозик .....	115
Адо .....	116
Шавкат .....	117
Сидқий .....	118
Акмал .....	118
Бобожон Саной .....	119
Муҳсиний .....	119
Васфий .....	120
Муинзода .....	120
Муҳий .....	121
Саидризо Ализода .....	121
Сирож Ҳаким .....	122
Узлат .....	122

### **ЗУЛЛИСОНАЙН АДИБАЛАР РАВЗАСИ**

Нодира .....	124
Маҳзуна .....	125
Увайсий .....	127
Муаззамхон .....	128
Адабиётлар рўйхати .....	130

*Азиз китобхонлар! Ушбу қўлланма замонавий тазкиранавислик соҳасида янги қадам бўлгани боис, айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Илтимос, фикру мулоҳазаларингизни нашриёт орқали муаллифларга жўнатсангиз, келгуси нашрларда уларни албатта, инобатга оламиз. Олдиндан фикру мулоҳазаларингиз учун раҳмат.*

*Муаллифлар.*



Адабий-бадний нашр

**ФАРҲОД ИСОМИДДИНОВ,  
ЖОНМИРЗО МИРЗОЕВ**

**ЗУЛЛИСОНАЙН  
АДИБЛАР**

*Тазкира*

*Бош муҳаррир:*  
*Мусаҳҳиҳа:*  
*Техник муҳаррир:*

**Нортўхта ҚИЛИЧ  
Азиза СИДДИҚОВА  
Рустам ҲИДОЯТОВ**

**Лицензия: АІ №218, 03.08.2012.**

Теришга берилди: 20.10.2013 й.

Босишга рухсат этилди: 2.12.2013 й.

Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. Шартли босма таб. 8.5

Гарнитура Times. Адади 1000 нусха. Буюртма №75.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Истиклол нури» нашриёти.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

«OLMOS QILICH» МЧЖнинг босмахонасида босилди.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

ISBN 978-9943-4179-5-3



9 789943 417953